6 ЯНВ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 10 (20. 877) 1991 йил 15 январь, сешанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ:

ТАСС, «Совет Ўзбекистони» ва ЎзТАГ мухбирлари хабар берадилар

КАТТА ОИЛА

Бухоро вилояти. Навоийликлар Бўлатовлар хонадонини бахтли оила деб ҳурмат билан тилга олишади. Дарвоқе, ҳақиқатдан ҳам оила катта — Ашим ва Людмилаларнинг 14 нафар фарзанди бор. Улар уч нафар фарзандлари сафига 11 нафар норасида гўдакларни болалар уйларидан ўз тарбияларига олишди. Уларнинг фарзандлари турли миллат болалари — тожиклар, қозоқлар, корейс, ўзбек, руслар... Лекин улар бир отаона фарзандларидек. Зеро, бу онланинг соҳиблари ҳам байналмилалчи инсонлардир — Ашим — уйғур, Людмила эса рус. Оила хотиржамлигини таъминловчи омил миллат эмас,аввало инсоний меҳр, соф туйғули қалб эгаси бўлишдадир.

Суратда: бахтли оила — Ашим ва Людмила Бўлатовлар шаҳардаги «Нафосат» магазинидан оила эҳтиёжибоп моллар харид қилиш ташвишида. Бу магазин ҳозирги кунда 2500 дан ортиқ навоийлик кўп болали оилага хизмат кўрсатади.

Ж. МИРЗАЕВ суратга олган (ЎзТАГ).

ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН

Самарқанд локомотив депоси жамоаси ишлаб топган даромаднинг бир қисми Суперфосфат темир йўл станцияси яқинида жойлашган чорвачилик фермасини сотиб олишга сарфланди. Маъмурият ва меҳнат жамоаси кенгашининг қарори билан чўчқа болалари сотиб олишга 50 минг сўм пул ажратилди.

Темирйўлчиларнинг ёрдамчи хўжалигини чўчқа етиштиришга йўналтиришга қарор қилинди. Ёрдамчи хўжаликка илгари шундай фермаларда ишлаган одамлар қўйилди.

Дастлабки пайтларда ферма даромад келтирмаслигига қарамай, темирйўлчиларга гўшт белгилаб қўйилган энг кам нархларда сотилади.

Самарқанд вилояти. (ЎзТАГ мухбири).

• «Ўзбекистон ССЖ ташкил этилган сана хусусида»ги мақолани ўқиб

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТНИ КЎЗЛАБ

● «ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ БУЗИЛГАН ЭДИ». «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг 1989 йил 2 август сонида Ўзбекистон республикаси ташкил топган кун ҳақида Тошкент давлат дорилфунуни доценти, тарих фанлари номзоди С. Холбоев билан суҳбат берилди.

● «ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ МУҚИМ БЎЛСИН» (1990 йил 16 май) республикамиз таниқли олимлари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида ана шу сана ҳусусида аниқ бир хулосага келиш, асосли ва илмий жиҳатдан исбот қилишга интилинди.

● «ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН САНА ХУСУСИДА». Рўзномамизнинг 1991 йил 9 январь сонида фан ва маданият арбоблари, таниқли тарихчи олимларнинг ана шу сана бўйича янгича ёндашув, янгича қараш хусусидаги мақоласи берилди.

Жамиятимизда амалга оширилаётган қайта қуриш ва демократиялаштириш жараёни ошкораликка кенг йўл очиб берди. Совет кишилари тарихимизнинг ,айниқса, кейинги 70 йиллик даврни қайтадан ўрганишга ва у ҳақда янгича мулоҳаза ва хулоса қилишга қизиқмоқдалар. Натижада «тарихчилар сафи» тобора ортиб бормоқда. Тарихий воқеалар эса баъзан тарихчи, баъзан, эса публицист нуқтаи назаридан талқин қилинмоқда. Албатта, бу табиий ҳол. Чунки, 70 йил ҳукмрон бўлган фанимиздаги «партиявийлик» доғмаси барча ижтимоий фанларни, айниқса тарих фанини аянчли аҳволга солиб қўйди. Тарихий воқеалар холис ва ҳаққоний ёзилмади, фандаги партиявийликни ниқоб қилиб олган маъмурий-буйруқбозлик системаси «ҳукмдорларининг» хоҳиш-истаги асосида талқин қилинди. Ҳозирги кундаги тарихимизнинг айрим саҳифалари ҳақидаги мунозаралардаги фикрлар хилма-хиллиги ҳам ана шунда.

Яқинда «Совет Ўзбекистони»да бир гуруҳ ижтимоий соҳа олимларининг Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти ташкил қилинган тарихий санага бағишланган мунозара материали эълон қилинди. Олдинроқ шу масалага бағишланган мунозарали мақолалар жумҳурият рўзномалари ва жаридаларида пайдо бўлган эди.

Олимлар мунозарасидан маълумки, улар бир масалада ягона фикрга келнишган, яъни шу кунга қадар Ўзбекистон меҳнаткашларининг жумҳурият ташкил этилган — 1924 йил 27 октябрь кунининг байрам қилиниши тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Лекин Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти қачон ташкил этилган, қайси кунни халқимиз байрам қилиши мумкин? Бу масалада эса олимлар фикри бўлиниб қолган. Бир гуруҳ олимлар жумҳурият ташкил қилинган кун 1924 йил 16 сентябрь деб исботласалар, иккинчи бир гуруҳ олимлар жумҳурият туғилган кун — 1925 йил 13-17 февралда бўлган Жумҳурият Советларининг биринчи Таъсис қурултойи деб исботлайдилар. Хўш, қайси бири тарихий ҳақиқатга яқин?

Буни аниқлаш учун тарихий ҳужжатларга мурожаат қилайлик. Умуман, Ўрта Осиёда миллий жумҳуриятлар ва миллий-мустақил давлат тузиш ғояси, бу борадаги биринчи қадамлар 1918—1920 йилларда бўлди. Октябрь инқилобидан бир йил ўтмасданоқ, 1918 йилда «Қўқон мухторияти» томонидан «Мухтор ҳукуматининг» тузилиши, 1920 йилда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси, ўлка партия қўмитаси ва Мусулмон Бюроси топшириғи билан РКП(б) Сиёсий бюросига Рисқулов, Ҳўжаев ва Ивановлар томонидан бошқа масалалар билан қаторда Турк республикасини тузиш ҳақидаги талабнинг қўйилиши, қолаверса, 1920 йилда ташкил топган Бухоро ва Хоразм жумҳуриятлари Ўрта Осиё ҳудудида миллий жумҳуриятларни ташкил қилиш ғояси (лекин, бу ғоянинг ҳар хил аснода қўйилишидан қатъи назар) аллақачон пишиб етилганлигидан далолат эди. Шунинг учун ҳам Ленин 1920 йилдаёқ Ўрта Осиёда миллий жумҳуриятлар тузиш зарурлигини айтиб ўтган эди. У РКП(б) Туркистон Қўмитасининг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида тузган лойиҳаси бўйича берган мулоҳазаларида (1920 йил 13

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон ССР Президентининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларида яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига шарҳ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати ва жумҳурият Вазирлар Кенгашининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида» 1989 йил августида қабул қилган қарори қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тузилмасини такомиллаштириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ бир миллион 514 мингдан кўп оила қисқа муддат ичида янги ер участкалари билан таъминланди ва ўз томорқа участкаларини кенгайтирди. Шу мақсадда жамоат шўъбасидан 183 минг гектардан зиёд ер ажратилди.

Мазкур қарор чиққунга қадар жумҳуриятда ҳар бир қишлоқ оиласига жами ўртача 0,12 гектар томорқа участкаси тўғри келган бўлса, ҳозир ҳар бир оила ихтиёрида 0,17 гектар ер бор. Сирдарё, Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида ҳар бир оилага 0,20 гектар ва ундан ҳам кўпроқ ер тўғри келади.

Қишлоқ меҳнаткашларининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга бундай катта эътибор берилиши озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда, жумҳурият бутун аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда бу тадбирнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади. Ҳозирги вақтда жумҳуриятда етиштирилаётган озиқ-овқатнинг учдан бир қисмидан кўпроғи шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Қишлоқ аҳолисининг ёрдамчи хўжаликлари фаолиятининг натижалари муттасил равишда кўпайиб боради.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг жумҳурият иқтисодиётидаги аҳамиятини ҳисобга олиб ва Ўзбекистон ССР Президентининг янги Фармони бўйича ҳисоб-китобларга мувофиқ бу йил ёрдамчи хўжаликлар учун қўшимча равишда 108,5 минг гектар ер ажратиш мўлжалланган. Фармонни амалга ошириш натижасида ҳар бир қишлоқ оиласи 0,20 гектар ерга, бир қанча вилоятларда ва Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳуриятида 0,25 гектар ерга эга бўлади. Шуниси диққатга сазоворки, аҳоли зич жойлашган ва чекланган ер заҳираларига эга бўлган Фарғона водийси ва Тошкент вилоятида томорқа участкалари 0,20 гектарга етади.

Мазкур қарорни ва Президентнинг Фармонини рўёбга чиқариш қишлоқ жойларида томорқа участкаларининг умумий майдонини 516,6 минг гектарга етказиш имконини беради. Ҳолбуки, қишлоқ аҳли учун ҳақиқий тарихий ҳужжатлар бўлиб қолган мазкур қарор ва Фармон қабул қилингунга қадар томорқа участкалари 224,9 минг гектарни ташкил этган эди. Энди шахсий хўжаликларнинг ер фонди икки баравардан зиёд кенгайтирилади. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ер ниҳоятда тақчил бўлган ҳозирги пайтда 1989-1990 йилларда ажратиб берилган ерларнинг муайян қисмидан фойдаланилмади ёки самарасиз фойдаланилди. Шу муносабат билан Фармонда ерлардан фойдаланиш даражасини аниқлаш ва фойдаланилмаётган ерларни муҳтож кишиларга бериш тадбирларини кўриш мақсадида илгари ажратилган барча томорқа ерларни қайта рўйхатдан ўтказиш кўзда тутилган. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятларнинг ижроия комитетлари, районларнинг ижроия комитетлари, қўрғон, қишлоқ ва овул Советлари, жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларининг раҳбарлари бутун томорқа фондини ҳовлимаҳовли юриб пухта ҳисобга олишни ташкил этишлари, бу ишга жумҳуриятдаги барча ер ажратиш идораларини жалб этишлари зарур.

Бу тадбир шунинг учун ҳам зарурки, томорқа ерларини кенгайтириш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, озиқ-овқат таъминотини яхшилаш билан ўзини оқлаши керак. Бу ўринда маҳаллий Советлар зиммасига катта вазифалар юкланди. Маҳаллий Советлар ажратилган ерлардан янада самаралироқ фойдаланишга ҳар томонлама кўмаклашишлари, аҳолини кичик машина-механизмлар, ўғитлар билан, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг зараркунандаларига ҳамда касалликларга қарши кураш воситалари билан таъминлаш тўғрисида қайғуришлари лозим.

Шу билан бирга, тайёрлов ташкилотлари маҳсулотни аҳолидан қабул қилиб олишга пухта тайёргарлик кўришлари, қабул пунктлари тармоғини кенгайтиришлари, жамоа хўжалиги аъзолари, давлат хўжалиги ишчилари ва қишлоқда яшовчи бошқа фуқаролар билан етиштирилган хилма-хил маҳсулотларни қабул қилиб олиш учун олдиндан шартнома тузишлари зарур.

Жамоа хўжаликларининг, давлат хўжаликларининг ва бошқа деҳқончилик хўжаликларининг раҳбарлари томорқа ерлардан фойдаланишда кўмаклашишлари, айниқса қишлоқ хўжалик ишларини механизациялашда, томорқа ерларини сув билан таъминлашда ва маҳсулотни сотишда кўмаклашишлари керак.

Ўзбекистон ССР Президентининг шахсий ёрдамчи хўжаликларга қўшимча равишда ер ажратиб бериш хусусидаги Фармонини рўёбга чиқариш қишлоқ меҳнатчиларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлашда олға қўйилган яна бир қадам бўлади, томорқа ерларини мустаҳкамлаш ва озиқ-овқат фондини кўпайтириш учун пухта замин яратади.

Нуқтаи назар

ҚИШЛОҚ МУАММОЛАРИ

Далалар бугун оромда. Ҳосилдан бўшаган, ҳайдаб, суғориб қўйилган ерлар қиш уйқусида. Далаларнинг хўжайинлари бўлмиш деҳқон-у соҳибкорлар, боғбон-у ғаллакорлар, қўйингчи, меҳнаткаш қишлоқ аҳли турли юмушлар билан банд: ким дам олишда, ким — соғлиғини тиклаётир, бировлар тўй ташвишида ва ҳоказо. Хуллас, далалар ҳам, деҳқон ҳам, бугун бироз оромда. Аммо ҳамон деҳқон қалби тинчланмаяпти. Сабаби — ташвишлари ҳали талайгина.

Ховос ноҳиясида қишлоқлар кўп. Қайси қишлоқни кўрманг, жаннат дейсиз. Ерлари — нақд олтинга тенг. Фақат оқар сувларнинг йўқлиги неча йиллардан бери одамларни қийнаб келмоқда.

— Ноҳиямизда 64 та қишлоқ бор, — дейди Боёвут ноҳия партия қўмитасининг биринчи котиби, ноҳия Кенгаши раиси И. Ибодуллаев, — кейинги йиллар мобайнида асосан эътиборни аҳоли зич яшайдиган марказларга қаратавериб, кичик қишлоқларни унутиб қўйдик. Бу эса ўша жойларда яшаётган одамларда норозилик келтириб чиқармоқда.

Ўринли эътироф, йиллар давомида йиғилиб қолган адолатсизлик ва эътиборсизлик йирик ва бақувват «Коммунизм» жамоа хўжалигининг иккига бўлинишига олиб келди. Кейинги қирқ йил мобайнида марказ қаерда бўлса, ўша жой обод қилинди. Хўжалик аҳолисининг деярли ярми истиқомат қиладиган Киров участкасига негадир «катта»ларнинг нигоҳи тушмади, оқибатда одамлар энг оддий нарсалардан ҳам маҳрум бўлдилар. Охири қишлоқ аҳли кута-кута сабр косаси тўлди. 1990 йил бошида хўжаликни иккига бўлдилар ва Навоий номли жамоа хўжалигини ташкил этдилар.

Янги хўжалик бир йилнинг ўзидаёқ тўрт юз минг сўмлик энг зарур техника, турли машина-тракторларни сотиб олди. Қишлоқ-қишлоқ бўлиб йўлкалар нималигини билмаган эди. Мана, ҳозир катта йўл ёқаларида одамлар яна ҳашар йўли билан йўлкалар қуришмоқда. Колхоз 1990 йилни катта фойда

(Давоми иккинчи бетда).

ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ҚОИДАСИ АСОСИДА

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси берган фармойишда жумҳурият аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан барқарор таъминлаш учун уларни сақлаш, ташиш ва сотишда тартиб ўрнатиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларини сақлаш ҳамда сотиш ишлари устидан тегишли назорат ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, ноҳия Кенгашлари ижроия қўмиталари ҳузуридаги вазирликлар, идоралар, тегишли муассасалар ва ташкилотлар, халқ назорати қўмиталари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари, халқ депутатлари, меҳнат жамоаларининг вакилларидан иборат махсус штаблар тузиш зарурлиги таъкидланди.

Махсус штабларни ташкил этиш ва уларнинг ишини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг жойларда олиб борадиган ишларини мувофиқлаштиришга оид ташкилий масалаларни ҳал этиш учун жойларга совет, хўжалик, ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларининг масъул ходимларини юбориш зарур, деб топилди. Уларнинг мунтазам равишда баҳамжиҳат иш олиб боришига, олиб борилаётган иш натижаларини пухта таҳлил этишга доир воситаларни ишлаб чиқиш, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан самарали чоралар кўриш энг муҳим вазифалар эканлиги уқдириб ўтилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ининг жумҳурият минтақалари бўйича, меҳнат жамоаларида ва фуқароларнинг истиқомат жойларида тўғри тақсимланишини назорат қилиш штаблар вазифасига киради. Ижтимоий адолат қоидаси ва кам таъминланган аҳолини биринчи галда таъминлаш бунинг асоси бўлиши лозим.

Фармойишда штабларнинг аъзолари учун халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарга, омборлар, базалар, юк туширилиадиган жойлар, транспорт ташкилотлари, юк ортиладиган ва жўнатиладиган жойларга бемалол кириш, моллар ва юкларни, маҳсулот ишлаб чиқаришга оид тегишли ҳужжатларни кўздан кечириш, шунингдек маҳсулотни жўнатиш, тақсимлаш, сотиш юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги , Ўзбекбирлашувда ҳамда жумҳуриятнинг бошқа вазирликлари ва идораларида, шунингдек, юклар кўплаб жўнатиладиган жойларда, айниқса темирйўл бекатларида махсус гуруҳлар тузиш ва уларнинг зиммасига моллар, юклар тўпланиб қолиши сабабларини таҳлил этиш вазифаларини юклаш назарда тутилган. Бу гуруҳлар шу ҳақда жумҳурият штабини тез хабардор қилиб туриши, аниқланган тартиб бузишларни тугатиш юзасидан қатъий чоралар кўриши зарур.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси, жумҳурият Прокуратураси ва ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларига бошқа вазирликлар, идоралар, ишчи назорати гуруҳлари билан биргаликда транспортда хоржидан юборилиадиган юкларнинг келишини, уларнинг белгиланган жойларга етказилишини ва сўнгра истеъмолчиларга ўрнатилган тартибга мувофиқ сотиш учун етказиб берилишини доимий ва таъсирчан назорат қилишни йўлга қўйиш топширилди.

(ЎзТАГ).

ФЕДЕРАЦИЯ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

12 январь куни Кремлда СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида Федерация Кенгашининг мажлиси бўлди.

Литва ССРдаги вазият масаласи белгиланган кун тартибидан ташқари муҳокама қилинди. Сиёсий усуллар билан, СССР Конституцияси ва қонунлари асосида ҳаракат қилиш ғоят муҳим эканлиги таъкидланди. Президентнинг вужудга келган вазиятни аниқлаш ва зарур чора-тадбирлар тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш учун Федерация Кенгашининг ваакилларини жумҳуриятга юбориш тўғрисидаги таклифи қабул этилди.

Кун тартиби доирасида Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси устидаги ишни давом эттириш масаласи муҳокама қилинди. Бу ишни босқичма-босқич авж олдириб, мамлакатдаги вазиятни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан барқарорлаштириш учун энг зарур бўлган масалаларни биринчи ўринга чиқариб қўйиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ҳужжат лойиҳаси устидаги бевосита иш жумҳуриятларнинг мухтор вакиллари томонидан олиб борилади, уларга ёрдам бериш учун мутахассислар гуруҳи тузилади, деб шартлашиб олинди. Бу ишни кенг ошкоралик вазиятида, жамоатчилик иштирокида олиб бориш лозимлиги таъкидланди.

Мажлисда ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш юзасидан 1991 йилги битим муҳокама қилиб бўлинди. Ҳужжат жумҳуриятлар томонидан қабул этилди, пишиқтириш зарур бўлган баъзи масалалар юзасидан Иттифоқ ва жумҳуриятларнинг ҳукуматларига тегишли топшириқлар берилди. Шу масала муҳокамасининг якунида Президент битимнинг вазиятни тезроқ нормаллаштириш, совет кишиларининг кундалик турмушини рисоладагидек изга солиш учун бўлган аҳамиятини таъкидлади.

(ТАСС).

● «Ўзбекистон ССЖ ташкил этилган сана хусусида»ги мақолани ўқиб

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТНИ КЎЗЛАБ

● Ўрта Осиёда миллий жумҳуриятлар ва миллий-мустақил давлат тузиш ғояси 1918—1920 йилларда бўлган эди.

● 1924 йил 28 апрелда РКП (б) Марказий Қўмитаси Ўрта Осиё бюроси Ўрта Осиё республикаларининг миллий-ҳудудий белгилари бўйича чегаралаш ҳақидаги истакларини тўла маъқуллади.

● 1924 йил 16 сентябрда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси сессияси тарихий қарор қабул қилди.

(Давоми. Боши биринчи бетда).

июль) бундай деб ёзган эди: 1. Туркистоннинг Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркманистонга бўлинган харитасини (этнографик ва ҳоказо хариталарини) тузиб чиқиш топширилсин; 2. Шу 3-қисмнинг қўшилиш ёки ажралиш шартлари муфассалроқ тушунтириб берилсин.

Бироқ Ўрта Осиёдаги Гражданлар уруши натижасида вужудга келган иқтисодий ва сиёсий танглик 1920 йилдаёқ миллий-давлат чегаралаш имконини бермади. Аксинча, 1920—1923 йилларда мавжуд бўлган танг аҳвол Ўрта Осиёда миллий жумҳуриятлар тузишни эмас, балки бу иқтисодий тангликдан чиқиш учун Туркистон, Бухоро ва Хоразм жумҳуриятларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштиришни тақозо қилган эди. Лекин Ўрта Осиё ҳудудида миллий чегаралашни ўтказиш масаласини марказ кун тартибидан олмаган эди. Балки, юқорида В. И. Ленин таъкидлаганидек, «қўшилиш ёки ажралиш» муаммосини ўрганиш мақсадида бирмунча вақтга кейинга сурилган эди.

1923 йил март ойида бўлган Ўрта Осиё жумҳуриятларининг (Туркистон, Бухоро ва Хоразм) Биринчи иқтисодий конференцияси уларни иқтисодий жиҳатдан бирлаштирди ва шу асосда Ўрта Осиёда юзага келган танг аҳволдан ҳамкорликда чиқиш учун шарт-шароит яратилди. Шу билан бирга Ўрта Осиё жумҳуриятларининг сиёсий жиҳатдан «қўшилиш ёки ажралиш»и учун иқтисодий асос яратилди.

Ана шундан сўнг Ўрта Осиё жумҳуриятларида миллий чегаралашни тайёрлаш ва ўтказиш учун ташкилий, сиёсий ишлар кенг бошлаб юборилди. Миллий чегаралаш масаласи Ўрта Осиё жумҳуриятлари партия ва совет қўмиталари томонидан 1924 йил февраль-март ойларида махсус кўриб чиқилди. 1924 йил 25 февралда Бухоро КП Марказий Қўмитасининг пленуми, Туркистон КП Марказий Қўмитаси, Мухтор Жумҳурият Ижроия Қўмитасининг раёсати ва РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг бирлашган кенгаши ўзининг 10 мартдаги қарорида ва Хоразмдаги партия-совет фаолларининг март ойи ўрталарида бўлиб ўтган йиғилишидаги қарорида Ўрта Осиё ҳудудида миллий белгиларга қараб, **миллий жумҳуриятлар тузиш пайти келганлиги қайд қилинди.** (қайд бизники — Р. А. М. Ж.)

1924 йил 28 апрелда РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси Ўрта Осиё жумҳуриятларини миллий-ҳудудий белгилари бўйича чегаралаш ҳақидаги истакларини тўла маъқуллаб, янги ташкил этиладиган жумҳуриятлар ва вилоятларнинг ҳудудларини ва чегараларини белгилаб олиш билан боғлиқ бўлган амалий чораларни тайёрлаш учун Ўрта Осиё бюросининг комиссиясини ва бу комиссиянинг миллий шўъбаларини тузди.

Комиссия олдида катта ва мураккаб вазифа турар эди. Энг муҳими, миллатларни тўғри аниқлаш, жумҳурият ва вилоятлар чегараларини тўғри белгилаш зарур эди. Туркистон, Бухоро ва Хоразм жумҳуриятларини ўз ичига олган 1699 минг квадрат-километр майдонни ва улар ҳудудидаги 8 131 062 минг аҳолини, 75,3 млрд. сўмни (олтин пул ҳисобида) ташкил қилган капитал маблағ ва жамғармани, 3,1 миллион десятина экин майдонини, 13,6 миллион бош чорва молларини ва ҳоказоларни оқилона тақсим қилиш ана шу комиссия зиммасига тушди.

Комиссиянинг ана шундай мураккаб вазифани амалга оширишида 1920 йилда Туркистонда ўтказилган Бутунроссия аҳолини рўйхатга олиш материаллари, Ўрта Осиё жумҳуриятларини (Туркистон, Бухоро ва Хоразм) иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш ва янгидан районлаштириш мақсадида тузилган махсус комиссиялар томонидан 1921—1924 йилларда ҳар томонлама кенг тўпланган материаллари катта ёрдам берди.

Комиссия ўз ишини якунлаб иккита жумҳурият, яъни Ўзбекистон ва Туркманистон жумҳуриятларини, шунингдек иккита мухтор вилоятни, яъни Тожикистон ва Қора-қирғизистон (Қирғизистон) мухтор вилоятларини тузишни таклиф қилди.

Шу билан бирга 1924 йилнинг июнь-август ойларида Туркистон, Бухоро ва Хоразм жумҳуриятлари аҳолиси ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Шаҳар, қишлоқ ва овулларда ўтказилган йиғилишлар, митингларда миллий чегараланиш масаласи кўрилди, аҳоли томонидан қўллаб-қувватланди.

1924 йил 15 сентябрда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг миллий-давлат чегаралашга бағишланган навбатдан ташқари махсус сессияси очилди. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, сессияда Ўрта Осиё ҳудудида яшаётган ерли халқларнинг деярли барчасидан вакиллар қатнашди: туркманлар номидан Отабоев, ўзбеклар номидан Раҳимбоев, қирғиз (қозоқ)лар номидан Қайсақов, қора-қирғизлар (қирғизлар) номидан Абдураҳмонов, тожиклар номидан Раҳматулло, қорақалпоқлар номидан Дос Назиров ва шулар билан бирга РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси, Туркистон КП Марказий Қўмитаси, Туркистон касаба союзлари ва «Қўшчи союзи»дан вакиллар ҳам қатнашди.

Сессиянинг иккинчи куни, яъни 16 сентябрь куни тарихий қарор қабул қилинди. Олти банддан иборат бу қарорда шундай дейилган эди: «1. Ўзбек халқининг ишчилари ва деҳқонлари умумий хоҳиш ва истакларини ифодалаган ҳолда ўзбек халқига Туркистон Мухтор Совет Социалистик Жумҳурияти сафидан чиқиш ва мустақил Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятини тузиш ҳуқуқини беради». Ана шундай мустақил жумҳурият тузиш ҳуқуқини туркман, қирғиз (қозоқ) халқларига ва мустақил мухтор вилоятлар тузиш ҳуқуқини эса қорақирғиз(қирғиз), тожик ва қорақалпоқ халқларига бериш ҳақида қарор қилинади.

Сессиянинг Ўрта Осиё ҳудудида миллий-давлат чегаралашни ўтказиш ҳақидаги қарорини барча миллат меҳнаткашлари мамнуният билан кутиб олдилар. «Правда» ва «Туркестанская правда» рўзномаларида ўша кунлари босилган хабарларда айтилишича, кўпминглаб деҳқонлар ва ишчилар оммаси шоду хуррам бўлиб, сессия ўтказилаётган театр биноси олдида тўпландилар. Сессияни фабрикалар ва заводларнинг, «Қўшчи союзи»нинг, деҳқонларнинг ва Қизил Армия жангчиларининг вакиллари табрикладилар.

1924 йил 19 сентябрда бўлган V Бутун Бухоро қурултойи ва 29 сентябрда очилган V Бутун Хоразм Шўролар қурултойида делегатлар Ўрта Осиёда Ўзбекистон, Туркманистон ва бошқа миллий жумҳуриятлар, мухтор вилоятлар ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

1924 йил 27 октябрда бўлган ССЖ Иттифоқи Марказий Ижроия Қўмитасининг иккинчи сессияси Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси, V Бутун Бухоро ва V Бутун Хоразм қурултойларининг **миллий чегаралаш ҳамда янги Социалистик Жумҳуриятлар ва вилоятлар ташкил этиш тўғрисидаги илтимосларини қондирди** (алоҳида таъкидлаймиз. — Р. А. М. Ж.).

1925 йил 13-17 февралда эса Бухорода Жумҳурият Советларининг I таъсис қурултойи бўлиб ўтди. **Қурултой Ўзбекистон ССЖ тузилганлиги тўғрисида Декларация қабул қилди ва жумҳуриятнинг раҳбар давлат ҳокимияти органларини қонуний равишда расмийлаштирди ҳамда хўжалик ва совет қурилишининг муҳим масалаларини муҳокама қилди.**

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралашни тайёрлаш ва ўтказиш борасида қилинган ташкилий ва сиёсий тадбирларнинг асосий босқичлари шулардан иборат. Агар бу тарихий ҳужжатлардан тўғри хулоса чиқарадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон жумҳурияти 1924 йил 27 октябрда ташкил этилган деган ҳозирги мавжуд қоидага ишониш қийин. Чунки, юқорида келтирилган ҳужжатлардан маълумки, кўп миллионли ўзбек халқининг хоҳиш ва истаги мужассам бўлган тарихий кун ҳисобга олинмай, балки марказга «сиғинган» ҳолда Туркистон, Бухоро, Хоразм жумҳуриятларининг «илтимоси» қондирилган» кун жумҳурият ташкил этилган сана деб қабул қилинди. Шундай экан, бу тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди.

Ў ҳолда биз қайси санани жумҳурият ташкил этилган кун деб айтишимиз мумкин?

Баъзи олимларимиз 1925 йил 13-17 февралда бўлган Жумҳурият Советларининг I таъсис қурултойида Ўзбекистон ССЖ ташкил этилган деб таъкидламоқдалар. Ҳақиқатан ҳам ҳуқуқий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, таъсис қурултойида жумҳурият ташкил этилганлиги ҳақида Декларация қабул қилинди. Бу масаланинг бир томони. Агар биз масалага ташкилий ва маънавий нуқтаи назардан ёндашадиган ёки бошқа тарихий ҳужжатлар билан солиштирадиган бўлсак, биз бу санага қўшила олмаймиз. Сабаби, биринчидан, 1925 йил 8 февралда Бухорода Ўзбекистон Компартиясининг I съезди бўлди ва бунда Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партиясини ташкилий жиҳатдан расмийлаштирди. Агар биз ҳуқуқий жиҳатдан ёндашиб Ўзбекистон ССЖ ташкил этилган кун 1925 йил 13-17 февраль деб оладиган бўлсак у ҳолда, 8 февралда, ҳали «қонуний» Ўзбекистон ССЖ ташкил қилинмасдан олдин Ўзбекистон Компартиясининг ташкил топганлигини ва уни Ўзбекистон Компартияси деб аталишини қандай изоҳлаш мумкин?!

Иккинчидан, фикримизча, 1925 йил 13-17 февралда бўлган жумҳуриятнинг I таъсис қурултойи Ўзбекистон ССЖ ташкил этилганлигини қонуний равишда расмийлаштириб, шу билан бирга Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг 1924 йил 16 сентябрдаги навбатдан ташқари сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятини тузиш ҳақидаги қарорининг бажарилишига якун ясади.

Биз мунозарада қатнашган бир гуруҳ олимларнинг Ўзбекистон ССЖ 1924 йил 16 сентябрда ташкил этилган, деган фикрларига тўла қўшиламиз. Бу ҳужжат юқорида кенг ёритилган. Лекин, ана шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг 1924 йил 15 сентябрда чақирилган навбатдан ташқари сессиясида Ўрта Осиё жумҳуриятлари орасида биринчи бор кун тартибига миллий жумҳуриятлар тузиш масаласи махсус қўйилди. Бундан ташқари, сессиянинг 16 сентябрда бўлган мажлисида кўрилган масала юзасидан биринчи бор аниқ ва равшан мақсадни кўзлаб тарихий қарор, яъни Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятини ташкил этишни вазифа қилиб қўйди. Шу билан бирга сессия ишида Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи ерлик халқлар вакиллари қатнашиб, миллий жумҳуриятлар ва мухтор вилоятлар ташкил этиш ҳақида якдиллик билан овоз бердилар. Сессия кунларида эса меҳнаткаш омма жумҳуриятлар ташкил этилиши ҳақидаги қарорни хушсандчилик билан кутиб олди. Шу сабабларга кўра, фикримизча, **1924 йил 16 сентябрь Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти ташкил этилган кун деб белгиланса ҳақиқат тантана қилган бўлар эди.**

Р. АМИНОВА,
ЎзФА мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор, ЎзФА Тарих институтининг бўлим бошлиғи.

М. ЖЎРАЕВ,
ЎзФА Тарих институтининг докторанти, тарих фанлари номзоди.

● Жалолқудуқ ноҳияси партия қўмитасининг биринчи котиби, ноҳия Кенгашининг раиси, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Мухторжон Олимов ўз уйи ва томорқасини район марказий болалар поликлиникаси ихтиёрига топширди.

Биз поликлиника жойлашган уйни бориб кўрдик. Йигирма сотих чамасидаги катта ҳовли, кўп хонали кўркам бино, иссиқхона, алоҳида ошхона, қозонхона, кўп йиллик боғ. Баланд қилиб кўтарилган сўриток ҳар қандай кишида яхши таассурот қолдиради.

Бу жойдаги қулайликлардан барча ота-она ва шифокорлар ниҳоятда мамнун бўлмоқдалар. Ҳатто, шу жойда кам даромадли ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун бепул озиқ-овқат тарқатиш йўлга қўйилди.

Ноҳияда ёш болалар ўртасида тиббий ёрдамга талаб катта. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ноҳия марказида ўн учинчи беш йилликнинг дастлабки йилларида соатига 50 бемор болани қабул қила оладиган поликлиника биноси қуриш режалаштирилди. Янги бинони бунёд этиш ҳам саркотиб назоратида.

С. АБДУРАҲИМОВ,
Андижон вилояти.

ТУҲФА

● Шаҳар мавзуида

Табиат қонунлари бир хил: қишми — совуқ бўлиши турган гап. Шунга яраша тайёргарлик кўриш, хўжаликни вақтида бу фаслга шайлаш лозим. Ўтган йили жумҳуриятимиз халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида бунга етарлича эътибор берилмади. Натижада айни шу аёзли кунларда зиммадаги вазифани бажариш бирмунча қийинлашди. Жумладан, бу вазият автотранспорт тармоғида, йўловчиларга хизмат кўрсатиш борасида жиддий сезилди.

Мазкур тармоқ корхоналарида автобусларнинг белгиланган маршрутлар бўйича қатнаши камайди, ҳайдовчиларнинг ишга кечикиб чиқиш ҳоллари учраяпти. Баъзида эса автобуслар умуман тегишли маршрутлар бўйича қатнамай қолди. Оқибатда анчагина йўловчилар кўзланган манзилларга вақтида етиб боролмай аёзли совуқда қолиб қийналдилар.

Хўш, нега бундай ҳол юз берди? Ахир, қишга илгариндан тайёргарлик кўриб, аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатишни йўлга қўйса бўлмасмиди? Биз ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида «Ташгорпасстранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-автохўжалигида бўлдик.

Автохўжалик директори Охунжон Исмоиловга муддаомизни айтганимизда, у гапнинг индаллосига кўчиб қўя қолди.

— Тўғриси, об-ҳавонинг бундай кескин ўзгаришини кутмагандик, — деди у. — Шунинг учун қор ёққан дастлабки кунларда бироз шошиб қолдик. Лекин вазиятга дарҳол баҳо бериб, ишимизни ўнглаб олишга ҳаракат қилдик. Ҳайдовчиларимизнинг эрталаб ўз вақтида ишга чиқишини, автобусларнинг тегишли маршрутлар бўйича тўхтовсиз қатнашини қаттиқ назорат остига олдик.

Бироқ қиш қишлигини қилди. Кўпгина автобуслар белгиланган маршрутлар бўйича чиқа олмай қолди. Масалан, шу йилнинг 3 январида 220 та автобусдан 213 таси қатновга чиқди. Бир неча автобус ҳаракатни кечикиб бошлади. Бунга айрим ҳайдовчиларнинг интизомсизлиги, турли баҳоналарни рўкач қилиб ишга кеч келиши ёки умуман чиқмаслиги сабаб бўлди.

Очиғи, қишга кўнгилдагидек тайёргарлик кўрилмаганлиги ҳам айни шу совуқ кунларда панд берди. Масалан, автохўжалик территорияси жуда кенг. Бироқ машиналарни бирон-бир панароқ жойга қўйишнинг иложи йўқ. Чунки бу ерда на гараж, на пешайвон бор. Шунинг учун шофёрлар ўз машиналарини очиқ ҳавода қолдиришга мажбур. Агар об-ҳавонинг 5—10 даража совуқлигини ҳисобга олсак, аҳвол аён бўлади-қолади. Эрта тонгда ҳайдовчи двигателни ўт олдириш учун ҳар қанча уринса ҳам юргиза олмайди. Негаки, радиатордаги сув музлаб қолган, двигателнинг бошқа қисмларига ҳам совуқ ҳаво ўз таъсирини кўрсатган бўлади. Натижада автобус вақтида маршрутга чиқа олмайди. Тўғри, автохўжаликда бир йўла 220 та машинага хизмат қилувчи буғ иситгич қурилмаси ишлаб турибди. Лекин бу ерга келаётган буғ босими даражасининг пастлиги туфайли двигателни иситишга кўп вақт сарфланяпти.

Айни пайтда автохўжалик моддий-техника базасининг мустаҳкам эмаслиги ҳам аҳволнинг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда. Айниқса, ҳаракатдаги автобусларнинг ўта эскирганлиги, эҳтиёт қисмларнинг йўқлиги, ёнилғи-мойлаш воситаларининг тақчиллиги, тажрибали ҳайдовчи кадрларнинг етишмаслиги, автобусларнинг жорий ремонтда кўпроқ туриб қолиши ишнинг белига тепяпти.

Ростини айтганда, бунда таъминотчи корхоналарнинг ҳам айби бор. Улар автохўжаликни ўз вақтида янги автобуслар, эҳтиёт қисмлар, шина ва ёнилғи-мойлаш воситалари билан етарлича таъминламаётирлар. Масалан, бу ердаги ҳайдовчилар ўтган уч йил мобайнида режадаги 213 та ўрнига атиги 84 дона «ЛАЗ» ва «ПАЗ» маркадаги автобусларни олишди, холос. Эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги эса дард устига чипқон бўлди. Ҳозир корхонада 12 та «ПАЗ—672» маркали автобуслар эҳтиёт қисмлар йўқлиги туфайли бекор турибди.

Ўзбекистон ССЖ Автомобиль транспорти вазирлиги таъминотчилари бир йилдан буён бу машиналар учун зарурий эҳтиёт қисмларни етказиб беришмаяпти. 1990 йил режасидаги 80 та автомобиль ҳаракатлантириш қутисидан фақат 26 таси олинган бўлса, карбюраторлар мўлжалдагидан беш баравар кам олинди. Электр ускуналари ва бошқа майда зарурий қисмлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Чунки бундай қисмлар анчадан буён келтирилгани йўқ. Шиналар фонди эса умуман қисқартириб ташланган. Автохўжалик мутахассислари Тошкент шина таъмирлаш заводи билан ҳамкорликда эскирган шиналарга қоплама ўрнатишиб, бир нави бўлса-да фойдаланишмоқда.

Ўтган йилнинг декабрь ойида бу ерда ёнилғи муаммоси вужудга келди. Автохўжалик мўлжалдагидан 24 тонна кам бензин олди. Шу боис автобусларнинг бир қисми йўлга чиқмади. Фақат янги йил арафасидагина бензин муаммоси ҳал қилинди. Бироқ олдинги тақчиллик асорати ҳануз сезилиб турибди.

Дарвоқе, эҳтиёт қисмлар ҳақида яна бир гап. Автохўжалик машиналари учун двигатель ва бошқа деталларни «Узавторемонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари тайёрлаб, ўрнатиб беради. Лекин улар ишлаб чиқараётган деталлар сифатли эмас. Қилинаётган жорий ремонт ҳам талабга жавоб бермайди. Илгари «Миконд» заводи автохўжаликни оталиққа олиб, машиналар учун зарур эҳтиёт қисмларни тайёрлаб берар эди. Бироқ сўнгги йилларда улар ҳам ёрдам бермай қўйишди. Хуллас, автохўжалик аҳли ўзларига боғлиқ бўлмаган анчагина муаммолар гирдобига тушиб қолишди.

— Лекин қўлни қовуштириб ўтирганимиз йўқ, — дейди О. Исмоилов, — барча имконият ва резервларни ишга соляпмиз. Энг муҳими, «Ишлашни хоҳлаган имкон излайди, хоҳламаган баҳона қидиради» деган қоидага амал қиляпмиз. Шу боис йўловчи ташиш режаларини уддалаб келяпмиз. Товон олиб ишлайдиган корхона бўлсак-да, ўтган йили давлатга 48 минг сўм фойда келтиришга муваффақ бўлдик. Ишлаб топган даромадимизнинг катта қисмини ҳайдовчиларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга, яна бир қисмини эса янги техника, эҳтиёт қисмлар сотиб олишга сарфладик. Бироқ ҳал қилишимиз лозим бўлган ички муаммолар ҳали кўп.

Дарҳақиқат, бу ерда автобус ҳайдовчилари етишмаяпти. Баъзи шофёрлар ширкатларга ишга ўтиб кетишмоқда. Айримлари эса меҳнат интизомини, йўл қоидасини бузганлиги ёки ишга кечикиб келганлиги учун жиддий огоҳлантириляпти. Сўнгги чора сифатида эса ишдан бўшатилмоқда. Масалан, ўтган йили 8 киши худди шу тарзда ишдан четлаштирилди.

БЕКАТДАГИ ЙЎЛОВЧИ

Янги йилда автохўжалик раҳбарлари меҳнат жамоаси билан келишган ҳолда интизомни мустаҳкамлаш учун янги чораларни жорий қилишни кўзлаб туришибди. Унга кўра, агар ҳайдовчи бир марта меҳнат интизомини ёки йўл қоидасини бузса, 50 сўм жарима тўлайди. Иккинчи марта ҳам шу ҳол такрорланса 100 сўм жарима, учинчи маротабасида эса маъмурий жазо кўрилиб, то ишдан ҳайдашгача чоралар қўлланилади.

Сирасини айтганда, бундай муаммолар ва камчиликлар фақат 3-автохўжаликка тегишли эмас. «Ташгорпасстранс»нинг бошқа автокорхоналарида ҳам қишнинг қирчиллама кунларида шундай вазият мавжуд. Бекатларда совқотиб автобус кутаётган йўловчилар сони ошиб бормоқда. Тўғри, йўл ҳолатининг яхши эмаслиги (унинг торлиги, ёзда ремонт қилинмасдан ўйдим-чуқур бўлиб қолавергани) ҳам автобусларнинг ўз вақтида қатнашига халақит беряпти. 3-автохўжалик маршрутларида 20 минутлик йўл учун бир соат вақт сарфланаётган ҳоллар учрамоқда. Бироқ у билан автотранспорт корхоналари фаолиятини оқлаб бўлмайди.

Менимча, «Ташгорпасстранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари бугунги кунда барча турдаги транспорт воситаларида йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўйишга эътиборни кучайтиришлари, қиш пайтида йўл ҳодисалари олдини олишнинг мукаммал чора-тадбирларини ишлаб чиқишлари зарур. Яна бир гап. Совуқда турган йўловчини тезроқ манзилга элтиб қўйиш айни кунларда ҳар бир жамоат транспорти ҳайдовчиси учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши керак. Зеро, халқимизда манзилга элтган кам бўлмайди, деган гап бор.

А. БОЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

МЕҲНАТИГА ЯРАША

Ўқитувчининг обрўси. Бу обрў қайта қуриш жараёнида тобора ортиб бормоқда. Ҳар бир ўқитувчи унинг билими, омилкорлиги, тажрибаси, жамиятга келтираётган нафи билан боғлиқлигини яхши ҳис қилмоқда.

Қорақалпоғистон республикасининг ўқитувчилари Рисгул Уснатдинованинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. У 27 йилдан буён Нукус шаҳридаги 8-ўрта мактабда қорақалпоқ тили ва адабиётидан дарс бериб келмоқда. Шу йиллар мобайнида унинг юзлаб шогирдлари моҳир муҳандислар, ўқитувчилар, шоир ва олимлар бўлиб етишдилар. Унинг шогирдлари бугунги кунда ҳам мактабда бўлиб, мураббийларининг ишидан хабардор бўлиб турадилар.

Партия ва ҳукуматимиз Р. Уснатдинованинг меҳнатини муносиб тақдирлаган. У Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи фахрий унвонига сазовор бўлган. Ўтган йили мураббийнинг ҳаётида яна бир муҳим воқеа рўй берди. Унга Ўзбекистон ССР Президенти Фармони билан «Ўзбекистон ССР халқ ўқитувчиси» фахрий унвони берилди.

Б. АЛЛАШЕВ олган сурат.

● Нуқтаи назар

ҚИШЛОҚ МУАММОЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

билан якунлади. Энди қишлоқда ҳамма ободончилик, қурилиш билан шуғулланмоқда. Бир сўз билан айтганда, салкам қирқ йил мобайнида пайдо бўлган нуқсонларни тезлик билан, яна ўз кучи билан бартараф этмоқда. Ўзини-ўзи ўнгламоқда... Шу райондаги «Ленинизм» колхозига қарашли Қаҳрамон қишлоғи одамлари дардига қулоқ солсангиз, ҳасратидан чанг чиқади. Ўзининг юз йиллик тарихига эга бўлган бу қишлоқда ақалли ичимлик суви, йўл, мактаб ва боғчалар, телефон алоқаси ҳамон муаммо бўлиб турибди. Нега десангиз, минг бир хил баҳона-ю сабаблар. Агар Навоий номли колхозда бир йилда бешта артезиан қудуғи қазилган бўлса, мана бешинчи йилдирки, Қаҳрамон қишлоғида битта артезиан қудуғини ишлата олмаётир. Беш қўл баравар эмас экан-да! Бундай мисоллар оз дейсизми? Ноҳия мутасаддилари қаёққа қарашяпти ўзи?!

1990 йил кузида бўлиб ўтган вилоят Кенгаши сессиясида Ильич ноҳиясидаги Титов номли давлат хўжалиги бригада бошлиғи Малик Орзиқуловнинг айтган сўзлари ҳали-ҳали ёдимдан чиқмайди. «Чўлда ишласак ҳам ўзимизга уй қуриш учун бир қарич ерга зор эдик, — деди ўшанда депутат бригадир. — Президентимиз Фармони билан энди бизга ҳам ер ажратила бошланди. Бунинг учун раҳмат. Лекин биз — деҳқонлар, қишлоқ меҳнат аҳли ўз еримизга уйни қандай қилиб, нималардан ва қачон қурайлик? Бетон қориштириб, пойдевор қўяйлик десак, цемент йўқ. Деворни-ку хом ғиштдан, ғуваладан бир илож қилармиз. Чунки пишган ғиштдан қуришни хаёлимизга ҳам келтира олмаймиз. У анқонинг уруғи бўлиб кетган. Лекин устини ёпиш учун ёғоч-тахта, шиферни қаёқдан олайлик? Борди-ю ўша нарсалар топилди ҳам дейлик, лекин баҳорда, ёзда ва кузда деҳқоннинг ўз даласидаги ишларини қўйиб, базама-база қурилиш материалларини қидириб юришини тасаввур эта оласизми? У ҳолда ҳосил тақдири нима бўлади? Наҳотки бизга ўша материалларни ўз пулимизга, ўй қурадиган жойимизга етказиб беришнинг иложи бўлмаса? Бундай илтимос билан қачонгача савдо ходимларию, шўро идоралари олдида сарсон бўлаверамиз».

Қаранг, деҳқоннинг пешона тери, меҳнати эвазига етиштирилган ҳосилнинг минг бир турини олиб кетишади-ю, лекин уй-жой қуриб олиш учун керак бўлган энг оддий нарсаларни ўз пулига олиб келиб беришни эса эплай олишмайди. Қизиқ?!

Вилоятимиз марказида 1990 йил ҳосил байрами ўтаётган кун эди. Шаҳримиз деҳқонлар билан обод бўлиб, кўрки-чиройи очилиб кетди. Қишлоқ қут-баракасини шаҳардагилар яна бир бор ҳис этдилар. Бутун шаҳар карнай-сурнай садоларигаю— деҳқон ноз-неъматларига тўлиб кетди. Байрам «ўқиғ»а айланган маданият ва истироҳат боғида тасодифан Титов номли совхоз илғорларидан бир гуруҳини учратиб қолдим. Улар орасида бўлим бошлиқлари, хўжалик директори ҳам бор эди. «Яқинда совхозимизнинг ўттиз йиллик тўйини нишонлаймиз, келинг», дейишди улар. Шу ондаёқ бир нарса хаёлимга келди. Ана, чўлнинг қоқ марказида дастлаб ташкил этилган хўжалик ҳам ўттиз ёшга тўлибди. Шу орада чўлда пахта ва бошқа экинлар етиштириш учун қанча ишлар қилинибди, экинларни суғориш муаммолари ҳам узил-кесил ҳал этилибди. Лекин шу ўттиз йилдан бери одамлар ичадиган чучук сув муаммоси ҳал этилмабди.

Чўл қаҳрамонлари... Уларни баландпарвоз мақтовлар билан улуғлашарди. Албатта, улар бунга лойиқ эдилар. Лекин аввало унга энг оддий шароитларни яратиб қўйиб, сўнг мақтасак бўлмасмиди? Мана, ўттиз йилдирки, Ильич ва Оқолтин ноҳиялари хўжаликларида қачондир шошма-шошарлик билан қурилган тор, паст, зах уйлардан уч минг хонадонни ҳалигача иситиш чоралари қўрилмаган. Мана, қиш. Лекин деҳқон чидаб келмоқда, Ваъдаларимизга, ширин сўзларимизга ҳамон ишониб кутмоқда. Чўлга дастлаб келган одамларнинг ўша йилда туғилган фарзандлари ўттиз ёшга тўлди, сочига оқ тушди, умрининг энг ажойиб дамлари ўтиб кетди бу ерларда. Лекин ўзбек деҳқони ҳамон газ, сув, қурилиш материаллари, уйини иситиб берадиган агрегатлар дардида. Аммо бардош ила меҳнат қилмоқда...

Топшириқ билан Гулистондаги «Қизил тонг» жамоа хўжалигига бордим. Гапдан-гап чиқиб икки йил муқаддам бу ерда очилган Гулистон шаҳар тикув-атторлик буюмлари фабрикаси филиали ишидан сўз очилди. Партком котиби Донабой Тўхтабеков билан филиалга бордик. У шундоққина йўл ёқасида жойлашган экан. Аҳоли эҳтиёжи ҳисобга олиниб, бу ердаги чойхона филиал учун бўшатиб берилган экан. Лекин мана, орадан икки йил ўтса ҳамки, бу ерда ишлаётган опа-сингилларга энг оддий шароитлар йўқ. Ишхона иситилмайди, овқатланадиган жой йўқ. Вақти-вақти билан чироқ ўчиб туради. Тикув машиналари етишмайди ва ҳоказо.

Бу ҳақда биз вилоят маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғи Арслон Каримовга гап очганимизда филиални ёпамиз, қўшни Фрунзе номли колхоздаги комбинатга қўшиб юборамиз. Филиални сақлаб қолиш биз учун «кони зарар», — деди. Биз бу масала билан атрофлича қизиқиб кўрдик. Филиални йўқ қилиш эмас, уни мустаҳкамлаш керак. Чунки бу энг тўғри йўл. Лекин у вилоят бошқармаси раҳбарлари учун ташвиш келтиради-да. Шунинг учун яхшиси ёпиб, бу ғалвалардан қутул қолган маъқул кўринянти...

Вилоят маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғи ўша учрашувда Гулистон тикув-атторлик буюмлари фабрикаси қошида испаниялик фермерлар ўз филиалларини очаётгани, бу эса катта миқдорда иқтисодий фойда беражагини мамнун бўлиб гапирди. Буни қарангки, испанияликлар бир қитъа наридан келибдилар-у, лекин гулистонликларнинг ўзлари ўттиз чақирим наридаги филиалларини жонлантиришни истамаётирлар. Бу ўринда изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

Хуллас, айтамиз десак, қишлоқнинг дардлари кўп. Булар қишлоқларимизнинг Ўзбекистон ҳаётидаги тутаётган ўрни ва ролини чуқурроқ ўйлаб кўришга даъват этмоқда. Қишлоқ — ҳам отамиз, ҳам онамиз. Шундай экан, унинг дардига қулоқ солайлик, камларини ложи борича тезроқ битказишга шошилайлик. Деҳқонни ташвишга солаётган ишларни эртага эмас, бугуноқ бажо келтиришга уринайлик. Эртага эса кеч бўлади. Чунки у яна эрта баҳордан бошлаб тонг саҳарлаб далага отланади-ю қош қорайганда қайтади. Шундай экан, дардини ҳозир айтмай, қачон айтади?

Абдужалил УМАРОВ.
«Совет Ўзбекистони»нинг Сирдарё вилояти мухбири.

ҚЎШМА ПЛЕНУМ

Наманганда Наманган вилоят партия комитети билан вилоят комсомол комитетининг қўшма пленуми бўлиб ўтди.

Ёшлар тарбиясини кучайтириш, фаол турмуш позициясини шакллантириш ва ижтимоий шароитларини яхшилаш юзасидан партия ва комсомол ташкилотларининг вазифалари тўғрисида Наманган вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Б. Ж. Ҳакимов маъруза қилди.

Пленум иштирокчилари «Ёшлик» вилоят ёшлар комплекс дастурини муҳокама қилиб, маъқулладилар ва уни вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқиш учун киритишга тавсия этдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳамидов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ ПЛЕНУМИ

Бухорода Бухоро вилоят партия комитети билан вилоят партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг қўшма пленуми бўлиб ўтди.

Ҳозирги пайт ҳамда вилоят партия ташкилотларининг Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ва СССР халқ депутатлари IV съезди қарорларини амалга ошириш борасидаги вазифалари тўғрисида Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Д. С. Ёдгоров маъруза қилди.

Пленум иштирокчилари вилоят партия ташкилотининг 1990 йил бюджети бажарилиши ҳамда бу йилги бюджет ҳисоб-китоби тўғрисидаги, вилоят партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги муваққат низомга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги, назорат-тафтиш комиссияси аъзосининг мақоми тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

Президент Фармони қандай бажариляпти?

Узбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив қўмитаси Узбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги вазирлигига айлантирилди. Бундан кўзда тутилган мақсад жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий мустақиллигини ривожлантириш, бозор муносабатларини жорий этиш учун шарт-шароит яратишдан иборат.

Узбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Ҳ. Л. ЙЎЛДОШЕВ билан махсус мухбиримиз Ҳ. ИКРОМОВ қилган суҳбатда ана шу ғамхўрликка жавобан Президент Фармонлари бажарилишини жадаллаштириш бўйича кўрилаётган тадбирлар ҳақида сўз боради.

— Етмиш йил мобайнида жумҳуриятимизда жамоа чорвачилигининг аҳволи талаб даражасида бўлмади. Ҳатто аҳоли шахсий хўжаликларида мол сақлашни тақиқлаб қўювчи бемаъни қарорлар ҳам қабул қилинган пайтлар бўлди. Бунинг касри ҳамон сезиляптими?

— Жуда ўринли савол бердингиз. Кенг миқёсда йўл қўйилган бу хато натижасида чорвачилик жиддий зарар кўрди. Бугина эмас, ўйланмасдан қилинган иш оқибатида чорвачилик маҳсулотларининг таннархи қимматлашиб кетди, Қолаверса, хўжаликлар ундан иқтисодий зарар кўриб келдилар. Моддий манфаатдорлик ҳам ўлда-жўлда бўлди. Хуллас, чорвачилик қуюқ туман ичида қолиб кетган эди.

— Жумҳуриятимиз Президентининг ўтган йил май ойида «Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни емхашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш тўғрисида»ги Фармони ана шу туманни тарқатиб юборган чақмоқ бўлибди-да!

— Орадан ярим йилча вақт ўтгач, Президентимиз шу масалага яна қайтиб, иккинчи Фармонни чиқарди. Унда 1991 йилдан бошлаб пахта чигитидан олинадиган кунжара, шрот ва шелухани жумҳуриятимиздан ташқарига чиқармаслик ва унинг бир қисмини аҳолига бериш кўзда тутилди.

— Бу иккала Фармондан жумҳуриятимиз аҳолиси яхши хабардор, албатта. Ҳозир халқимизга қуруқ гапсўзлар, ваъдалар ёқмаяпти. Улар аниқ амалий тадбирларни хуш кўрмоқдалар. Шу маънода бу икки Фармон асосида қандай амалий ишлар қилинаётганлигига тўхталсангиз.

— Аввало, шуни айтмоқчиманки, жумҳуриятимизда озиқ-овқат дастурини ҳал этишда, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашда бу Фармонлар асосий омил бўлмоқда. Мана, қаранг: ҳозир аҳоли етиштираётган чорвачилик маҳсулотларининг таннархи анча арзонлашди, уларнинг шахсий манфаатдорлиги ошди. Етиштирилаётган маҳсулотга сарфланаётган меҳнат ва маблағ харжлари ҳам камайди. Қизиқ бир таққос: колхоз ва совхозларнинг фермаларида жамғариб қўйилган озуқанинг камида 15-20 фоизи нишхўрдга чиқади, яъни исроф бўлади, шахсий хўжаликларда эса бундай исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйилмайди. Бундан хулоса шуки, аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига талаб-эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун шахсий хўжаликларни жадал ривожлантиришимиз керак.

ТАРОЗИНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ ЁКИ ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

— Эшитишимизча, ҳозир жумҳуриятимиздаги жами қорамолларнинг 55 фоизи, шу жумладан, сигирларнинг 70 фоизи, қўй-эчкиларнинг 35 фоизи аҳоли хонадонларида боқилаётган экан. Ҳатто бутун жумҳуриятимизда етиштирилаётган гўштнинг ярми, сутнинг эса 65 фоизи шахсий хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади, шундайми?

— Ҳа, аҳолидан 210 минг тоннага яқин гўшт, бир миллион 850 минг тонна атрофида сут харид қиляпмиз. Айни пайтда Президент Фармонига кўра жамоалар аҳолига чорва моллари ва ем-хашак сотишни қизғин давом эттирмоқдалар. Бу — Фармонларни халқимиз қувонч ва эртанги кунга ишонч билан қабул қилганликларини кўрсатиб турибди.

— Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимайди, дейишади. Аҳоли хонадонларидаги чорва учун етарли озуқа базаси бўлиши, моллар зотини яхшилаш ва зооветеринария хизматини яхши ташкил этиш зарурлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Бу борада қандай фикрдасиз?

— Албатта, Фармон чиқандан кейин бир зумда аҳоли хонадонларида чорвачилик маҳсулотлари ўз-ўзидан кўпайиб кетади, уларга ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилади, деб ўйлаш соддалик бўлар эди. Негаки, бу Фармонлар қамраб олган вазифалар миқёси анча кенг ва узоқни кўзлаб қабул қилинган. Уни амалга ошириш кўпгина тайёргарлик ишларини олиб боришни, пухта ўйлаб тузилган тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Унинг самараси узоғи билан икки-уч йилда кўринади.

— Бундан бу хайрли иш бошланганига беш-олти ой ўтган бўлса-да, ҳеч қандай ижобий натижа бермади, деган маъно келиб чиқмаса керак?

— Дастлабки натижалар катта умид туғдиряпти. Ўтган йилги натижалар билан таққослаганда, бу яққол кўринмоқда. Масалан, 1989 йилнинг 1 октябригача шахсий хонадонлар давлатга 12,5 минг тонна гўшт сотган бўлса, 1990 йили ана шу муддат ичида 15,5 минг тонна гўшт сотишди. Бу соҳадаги ўсиш 124 фоизни ташкил этди. Айниқса, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистонда бу кўрсаткич 1,3-1,7 баробар ўсди. Аҳоли томонидан давлатга сут сотиш борасида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Бунда, айниқса Бухоро, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистонда олиб борилаётган ишлар ибратлидир.

— Президентнинг 1990 йил октябрда чиқарган «Жумҳурият аҳолисининг шахсий ёрдамчи хўжаликларидаги чорва ва паррандани озуқа билан таъминлашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш аҳолига қандай самаралар беради?

— 1991 йилдан бошлаб пахта чигитидан олинадиган кунжара, шрот ва шелухани жумҳуриятдан ташқарига чиқаришни бекор қилиш Фармонда кўрсатиб ўтилди. Бу эса ҳозирги қайта қуриш шароитида ҳар бир жумҳуриятдаги ресурслар, энг аввало, ўз аҳолисининг талаб-эҳтиёжларини қондиришга қаратилиши зарурлигидан келиб чиққан. Демак, энди аҳоли чорваси учун янада кўпроқ озуқа базаси жамғариладиган бўлди. Бунинг устига аҳолининг томорқа хўжаликларидан олинадиган ем-хашакни ҳам қўшсак, бу йил чорвачиликнинг озуқа базаси анча мустаҳкамланади. Бу — аҳоли томонидан гўшт ва сут етиштириш янада кўпаяди, демакдир.

— Рўзномамиз ўқувчиларини аҳоли шахсий хонадонларида мавжуд бўлган ҳар бир (шартли) қорамол ҳисобига 1990 йилда қанча ем-хашак ва озуқа берилди-ю, 1991 йилда унинг қанча миқдорга ошиши қизиқтирмоқда. Агар қўлингизда шу ҳақда маълумотлар бўлса, айтиб берсангиз?

— 90-йил жумҳуриятимиз аҳолиси хонадонларида мавжуд бўлган ҳар бир (шартли) қорамол ҳисобига 250 килограмм дағал хашак, 150 килограмм ширали озуқа ва 413 килограмм кўк ўт сотиш белгиланганди. Бундан ташқари давлат манбалари ҳисобидан 150 килограмм омухта ем, 50 килограмм шрот-кунжара ва 30 килограмм шелуха бериш режалаштирилган эди. Энди 1991 йилга келсак, Ўзбекистон ССЖ Президентининг октябрдаги Фармони ижросини ҳам ҳисобга олганда, шахсий хўжаликларга дағал хашак бериш 2,2 марта, ширали озуқа 2 марта, кўк ўт 2,6 марта, омухта ем ва кунжара 1,8 марта, шелуха 5,8 марта кўпайтирилади. Бошқача қилиб айтганда, 1991 йилда биз аҳоли чорваси учун 1,5 миллион тонна дағал хашак, 0,8 миллион тонна ширали озуқа, 3 миллион тонна кўк ўт, 435 минг тонна омухта ем, 573 минг тонна шрот-кунжара ва 477 минг тонна шелуха сотищимиз керак.

Фармонда 1991 йилдан бошлаб пахта чигитидан олинадиган кунжара, шрот ва шелухани жумҳуриятдан ташқарига чиқариш тақиқланган ҳам шахсий хўжаликларнинг ўз озуқа базаларини янада мустаҳкамлаш ва гўшт, сут етиштиришни кўпайтириш имконини беради.

Шу ўринда «Узпишепромсирё» ишлаб чиқариш бирлашмасининг олдида катта вазифалар турганлигини таъкидламоқчиман. Бу ташкилот жумҳурият Дон маҳсулотлари вазирлиги билан биргаликда омухта ем, шроткунжара пахта чигити шелухаси, пиво бардаси кабиларни корхоналарда ишлаб чиқариб, «Ўзбекбирлашув» савдо ташкилотларига беради. 1991 йилда улар аҳолига бериладиган бир миллион тоннага яқин ем ва 400 минг тоннадан зиёдроқ чигит шелухаси тайёрлайдилар. Бу чорва озуқасини ўз вақтида қабул қилиб олиш ва аҳолига сотишни ташкил қилишда пухта омилкорлик талаб этилади. Шуни таъкидламоқчиманки, ҳали шу пайтгача аҳоли шахсий хўжаликларини озуқаем билан таъминлаш борасида гап юритилганда, шрот-шелуха мутлақо тилга олинмасди. Ў фақат Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари учун ажратилар эди, холос. 1990 йилда биринчи марта давлат манбалари ҳисобидан 60 минг тонна шрот-кунжара ва 75 минг тонна шелуха иттифоқдош жумҳуриятлар таъминоти ҳисобидан қисқартирилиб, аҳолига сотилмоқда. Баъзи жойларда аҳолига озуқа еми сотиш бўйича ҳужжатлар сустроқ расмийлаштирилганлиги туфайли озуқа фондлари истеъмолчиларга ўз вақтида етиб бормаяпти. Бунинг устига «Ўзбекбирлашув» бўлинмаларида пиво ва арақ бардасини ташишга ихтисослаштирилган автомобиль транспортларининг йўқлиги натижасида аҳолига бу озуқаларни ўз вақтида етказиб беришда қийинчиликлар юзага келмоқда. Бу масалани зудлик билан ҳал этиш зарур, деб ўйлайман.

Кейнги икки йил ичида жумҳуриятимизда аҳолига 167,2 минг гектардан кўпроқ ер ажратилгани ҳам шахсий хўжаликлар томорқаларининг деярли икки баравар кўпайишига, мева-сабзавот ва бошқа ноз-неъматлар билан бирга чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга катта имконият яратди.

— Аҳоли чорвачилик маҳсулотларини давлатга сотишдан қандай моддий манфаат кўряпти?

— Бу борада бир қатор ишлар олиб борилди. 1990 йил 1 октябрдан бошлаб чорва молларини тирик вазндаги давлат харид нархлари ошди. 1991 йилдан бошлаб сутнинг харид нархлари ҳам ошди. Масалан, ўртача семизликдаги қорамол тирик вазнининг ҳар килограмми 4 сўм 14 тийиндан, ўртача семизликдан юқори бўлса 4 сўм 96 тийиндан, қўйлар эса 3 сўм 62 тийиндан баҳоланади. Ҳар килограмм биринчи нав сутнинг баҳоси 91—97 тийингача ошади. Бу эса уларнинг аввалги харид нархларидан 2-2,5 баравар ортиқдир. Янги йилдан аҳолига ем-хашак ҳамда чорва молларини сотиш ҳажми 2—3 бараварга ортиши кўзда тутилаётган бир пайтда бунга ҳозирдан пухта тайёргарлик кўришимиз лозим. Ҳар бир давлат ва жамоа хўжалигида Фармонга биноан аҳолига сотиладиган ем-хашаклар ҳисоб-китоб қилиниши, уларнинг умумий ҳажми аниқланиб, шунга яраша озуқа экинлари майдонлари режалаштирилиши зарур. Бу иш шундай ташкил этилиши керакки, етиштирилган озуқа турлари ҳам жамоа чорвасига, ҳам аҳоли шахсий хўжаликлари чорвасига етадиган даражада бўлсин.

— Ҳамма вилоят ва ноҳияларда Президент Фармонлари тўла бажариляпти, дейиш мумкинми?

— Афсуски, ҳозирча бундай дея олмаймиз. Тўғри, Бухоро, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва айниқса, Қорақалпоғистон жумҳуриятида бу борада яхши тадбирлар амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистонда аҳолига чорва моллари сотиш топшириқлари тўла бажарилди. Самарқанд вилояти хўжаликлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Андижон, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятларидаги кўплаб ноҳияларда олиб борилган ишлардан аҳоли анча мамнун. Бироқ жумҳуриятимиздаги 156 қишлоқ ноҳиясидан 31 тасида аҳолига қора мол сотиш, 33 тасида қўй-эчки сотиш, 127 тасида ширали озуқа, 120 тасида эса кўк ўт сотиш топшириқлари ўлда-жўлда ва ҳоказо. Фармонда кўрсатиб ўтилган барча етти хил топшириқни тўла бажарган ноҳия на Қашқадарё, на Жиззах, на Сурхондарё, на Тошкент вилоятида бор. Хўжайли, Кегайли, Бухоро, Олот, Бахмал, Косон, Шаҳрисабз, Ангор, Жарқўрғон, Сариосиё, Меҳнатобод ва Гулистон ноҳияларининг мутасаддилари: «Бажарамиз, ишларни ўз вақтида тўғрилаймиз», деб берган ваъдаларининг устидан чиқмадилар. Ширали озуқаларга бўлган талабни қондиришда Большевик, Каттақўрғон, Нурота, Булунғур, Жомбой, Нарпай, Ургут, Хатирчи, Оқдарё, Пахтачи ва Самарқанд ноҳияларининг жамоа ва шўро хўжаликлари, қишлоқ ва посёлка шўролари сусткашликка йўл қўйиб келмоқдалар. Хуллас, Президент Фармонларининг тўла бажарилиши фақат бизгагина боғлиқ эмас.

— Ахир, қарс икки қўлдан чиқади, дейишади-ку. Тарозининг бир палласига Фармон қандай бажарилаётганлигини изчил ва мунтазам назорат қилиб боришни қўйсак, иккинчи палласида эса ноҳия ва хўжаликларнинг омилкорлиги ва ташаббускорлиги «тош босиши» керак. Ана шундагина бу хайрли иш ўз самараларини беради. Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи съездида яна бир бор шуни қатъий ишонч билан айтдики, 1991 йилдан гўшт ва сут маҳсулотларининг чакана нархлари 2,5 — 3 баравар ошади. Жумҳуриятда гўшт истеъмол қилиш даражаси йилига ҳар бир кишига 30 килограммдан ошмаётган, айрим минтақаларда эса бундан ҳам камроқ бўлган пайтда шундай қилинмоқда!

— Ҳа, Президент Фармонларининг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий моҳиятини ҳаммамиз чуқур тушуниб етишимиз керак. Сиёсий моҳияти шуки, жумҳурият партия ва ҳукумати озиқ-овқат дастурининг бажарилиши учун муҳим қадамлар қўйди, иқтисодий моҳияти шундан иборатки, аҳолига ер, мол ва ем-хашак ажратиб берилиши бевосита аҳоли томонидан гўшт ва сут етиштириши кўпайтириш учун жуда катта имкониятлар яратиб бермоқда. Ҳамма гап шу имкониятдан самарали фойдаланишда қолган.

БОЛТИҚБЎЙИ ЖУМҲУРИЯТЛАРИДА ЮЗ БЕРГАН ВАЗИЯТ МУНОСАБАТИ БИЛАН РСФСР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ БАЁНОТИ

Сўнгги кунларда Болтиқбўйи жумҳуриятларидаги, айниқса Литвадаги вазият анча кескинлашди. Бу фақат ички сиёсий омилларгагина эмас. Иттифоқ раҳбариятининг ҳаракатларига ҳам боғлиқдир.

Ҳозир мамлакат бошидан кечираётган танглик шароитида воқеаларнинг бундай ривожланиши барча иттифоқдош жумҳуриятлар учун ғоят хатарли оқибатларни келтириб чиқариши ҳамда суверен давлатлар янги кўнгилли иттифоқини барпо этишни янада чигаллаштириши мумкин.

Бу воқеалар жаҳон жамоатчилигида жиддий ташвиш уйғотмоқда. СССР раҳбариятини куч ишлатишдан тийилиб туришга ва сиёсий муаммоларни ҳал этишни фақат музокара йўли билан излашга даъватлар тобора қатъият билан янграмоқда.

РСФСР Олий Кенгаши Раёсати қуйидагиларни маълум қилади:

Болтиқбўйи жумҳуриятларида тинч ишлар билан шуғулланаётган фуқароларга қарши ҳарбий кучни қўлланишга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳарбий куч ишлатиш ушбу ва бошқа минтақаларда зўравонликнинг авж олишига олиб келиши, кенг миқёсли фуқаро можароларини бошлаб бериши мумкин.

Болтиқбўйи халқларининг манфаатларини фақат улар қонуний йўл билан сайлаб қўйган ҳокимият органлари ифодаласи мумкин.

Қонуний ҳокимият органларига қарши армиядан фойдаланиш гайриқонуний, Конституцияга зид ишдир.

РСФСР ҳудудидан ҳақиқий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларни РСФСР Конституциясининг 29-моддасида кўзда тутилмаган вазифаларни бажариш учун жумҳуриятдан ташқарига юбориш РСФСР халқ депутатлари навбатдан ташқари съездининг 1990 йил 11 декабрда қабул қилган қарорига зид бинобарин ғайриқонунийдир.

Мавжуд вазиятда миллатлараро можароларни келтириб чиқаришга, аҳолининг турли гуруҳларини бир-бирига қарама-қарши қўйишга айниқса йўл қўйиб бўлмайди.

РСФСР Олий Кенгаши Раёсати: қуролли кучларнинг қўшимча қисмларини Болтиқбўйидан олиб чиқиб кетишга ва Иттифоқ раҳбарияти юз берган муаммоларни ҳал қилиш чоғида куч ишлатмаслигига кафолат беришга даъват этади.

Иттифоқ раҳбариятини Болтиқбўйи жумҳуриятларининг қонуний вакиллари билан музокараларни қисқа муддатда бошлаб юборишга, тангликдан чиқиш йўлини қайси миллатга мансублигидан қатъи назар барча фуқароларнинг ҳуқуқларига қатъий риоя этган ҳолда мулоқот ва ўзаро мақбул келишувлар орқали излашга даъват этади.

РСФСР Олий Кенгашининг Раёсати ақл-идрок устун келади ва Болтиқбўйи жумҳуриятлари фуқаролар можароларининг майдонига, мамлакатда диктатура ўрнатишга интилаётган реакция кучларининг ҳаракатлари майдонига айлантиришга йўл қўйилмайди, деб ишонч билдиради.

РСФСР Олий Кенгашининг Раиси

Б. ЕЛЬЦИН.

1991 йил 12 январь.

«АБУШКА»НИНГ ТЕҲРОН НУСХАСИ

Ўзбек тилига давлат мақоми берилгач, эски ўзбек ёзувида битилган ёдгорликларга, айниқса, ота-боболаримиз томонидан тузилган қадимги луғатларга қизиқиш ортди. Шу жиҳатдан олиб қараганда бундан тўрт юз эллик йил илгари тузилган биринчи ўзбек тилининг изоҳли луғати фанда «Абушка» номи билан аталган ёдгорлик катта аҳамиятга эга. Ушбу луғатнинг фанда ўндан ортиқ нусхалари маълум бўлиб, улар дунёнинг турли қўлёзма хазиналарида сақланмоқда. Унинг энг қадимги нусхалари чет эл хазиналарида. Фан учун аҳамиятли бўлган ана шу ёдгорликларни ўз ватанига, ўз меросхўрларига қайтариш бугунги кунда жумҳуриятимиз олдида турган энг шарафли вазифа ҳисобланади. Илгари бу луғатнинг 1552 йилда китоб қилинган Вена нусхасидан фото кўчирма олинган эди. Энди Ўзбекистон ССЖ ташқи ишлар вазири С. Азимов, вазирлик ходимларидан Т. Йўлдошев, А. Расулов, О. Саидикромов ёрдами билан бу луғатнинг Теҳрон нусхасидан ҳам кўчирма олинди. Шундай қилиб чет эл хазиналарида сақланаётган яна бир ёдгорлигимиз ҳақида янги маълумотларга эга бўлдик.

Фотонусхадан кўриниб турибдики, қўлёзма тўлиқ ва яхши сақланган. Луғат йирик настаълиқ хатида ёзилган. Ҳажми 201 варақ, яъни 402 бетдан иборат. Ҳар бетда тўрттадан саккизтагача сўз масаллар билан изоҳланган. Луғат анъанавий: «бисмиллаҳир роҳмонир роҳим» билан бошланиб «ювмай» сўзи изоҳи билан якунланган.

Луғатнинг бу нусхаси Теҳрондаги Малак кутубхонасида «Фарҳанги девони Амир Алишер Навоий» номли қўлёзма таркибида сақланмоқда. Бу қўлёзма таркибида бундан бошқа яна «Хулосаи Аббосий» ва Надр Али луғатлари бор.

Ушбу луғатнинг Вена ва Теҳрон нусхаларини солиштириш шуни кўрсатадики, ҳар иккала луғат охирида «Тамат ул китоб би тавфиқ ал мулк ал ваҳҳоб Мустафо бин Содиқ» деб ёзилган. Бундан кўринадики, ушбу луғат турк олими Мустафо бин Содиқ томонидан тузилган. Афсуски, луғатшуноснинг номи шу вақтгача номаълум эди. Энди катта меҳнат сарфлаб луғат тузган олимнинг ҳақиқий исми-шарифи аниқланди. Луғат Мустафо бин Содиқ томонидан тузилганлиги ҳар иккала луғат охиридаги тўртликлардан ҳам кўриниб турибди:

• Алишер Навоийнинг 550 йиллиги олдидан

Ман навиштам сарф
қардам рўзгор
Ман намонам ин
бимонад ёдгор
Худоё биёмурз
он бандаро
Ки ал ҳамд
ҳонд нависандаро

(Мен кунларни сарф қилиб
ёздим уни
Мен қолмайман (луғат)
қолади ёдгор
Худоё сақласин
бу бандани
Ўқиганга ҳам, ёзганга ҳам
ҳамдлар бўлсин).

Энди луғатнинг муаллифи аниқланди, аммо у тартиб берилган йил ҳозирча номаълум бўлиб қолмоқда. Ҳозирча луғатнинг бизга маълум энг қадимги Вена шаҳридаги нусхаси 1552 йилга мансуб.

Ушбу луғатнинг аҳамиятли томонларидан бири шуки, луғатшунос изоҳланаётган ўзбек сўзларининг XV—XVI асрларда қандай талаффуз қилинганлигини аниқ кўрсатишга ҳаракат қилган. Олим сўзнинг ташқи тузилишини икки хил усул билан тушунтирган.

Биринчидан, Мустафо бин Содиқ изоҳланаётган сўзнинг товуш тузилишини аниқ кўрсатиш мақсадида унинг остустига ҳаракатлар (фатҳа, замма, касра, сукун) қўйган. Иккинчидан, сўз таркибидаги ҳарфларни алоҳида таъкидлаб кўрсатган. Шу жиҳатдан қараганда бу луғат ўзбек тили тарихи учун катта аҳамиятга эга. У узоқ мозийда ўзбек сўзларининг қандай талаффуз қилинганлигини ва ёзилганлигини кўрсатувчи ноёб ҳужжатдир. Ушбу луғат ўзбек тили тарихида тузилган биринчи изоҳли луғат ҳисобланади. Унда Алишер Навоий асарларидан олинган мингдан ортиқ сўз ва иборалар туркча изоҳланган. **ақизди—оқитди демакдур: ақсум-пушаймон маъносинадур..., иникичик қардоша дерлар..., тўпа—дапа демакдур..., сиздичизди ва язди демакдур...**

Луғатшунос луғат тузишда ўрта аср шарқ луғатчилигининг энг яхши анъаналаридан унумли фойдаланган. Сўз маънолари содда ва ихчам очиб берилган.

Луғат эски ўзбек тили бўйича қимматли маълумотлар беради. Бизнинг эски ўзбек тили бўйича маълумотларимизни кенгайтиради. Ушбу луғатнинг фотонашри амалга оширилса ўзбек ёзувини ўрганувчилар, шунингдек, кенг зиёлилар оммаси учун фойдали бўлар эди.

Бу ерда яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Шу йил ёзда Тошкентга Бехешти номидаги Теҳрон дорилфунунининг профессори Азизулло Баёт келган эди. У шарқшунос Ҳабибулло Кароматов ва биз билан бўлган суҳбатда Теҳрондаги Салтанат кутубхонасидан Алишер Навоийнинг дастхат девонининг кўчирмасини юбориш мумкинлиги ҳақида гапирган эди. Яқинда у Ҳ. Кароматовга ёзган хатида, агар мени Навоий юбилейига таклиф қилсангизлар, мен ўзим билан дастхатдан кўчирма олиб бораман деган мазмунда хат ёзибди. Умид қиламизки, Алишер Навоий юбилейи қўмитаси бу имкониятдан фойдаланадилар. Бобомиз Алишер Навоийнинг дастхат девонидан кўчирма ўз ватанига қайтади.

Э. УМАРОВ,
филология фанлари доктори.

ИЖАРА ШАРОФАТИ

Шофиркон районидаги Ильич номли давлат хўжалиги чорвадорлари ўтган йилни муваффақиятли якунладилар. Бунда айниқса шахсий деҳқон хўжалиги чорвадорларининг қўшган ҳиссаси катта. Шунингдек, давлат хўжалигида ижара пудрати асосида ишлашга ўтилганлиги ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш имкониятини яратди. Бу борада Мушарраф Ориповалар оиласини мисол қилиб келтириш мумкин. Мана икки йилдирки, уч кишидан иборат оила қирқ бош соғин сигирни зооветеринария талаблари асосида парвариш қилишяпти. Натижаси эса ёмон эмас. Мўл-кўл сут соғиб олишга эришиляпти.

Ҳозиргача оиланинг ижарачилар режадагидан ортиқ, яъни 130 тонна маҳсулот топширишди. Бу ҳар бош соғин сигирдан 3680 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олиняпти, деган гап. Бундай муваффақиятга эса фидокорона меҳнат туфайли эришиляпти.

СУРАТДА: Мушарраф Орипова қизи Гуландом билан.

К. КАРИМОВ суратлари.

• «Совет Ўзбекистони» аҳоли хизматида

ЁРДАМ БЕРИЛДИ

Мен Улуғ Ватан уруши ногиронман. Ўзим учун лозим бўлган имтиёздан фойдаланиш учун керакли жойларга жуда кўп қатнадим. Лекин фойдаси бўлмаяпти. Шу масалада рўзнома таҳририятидан ёрдам кутаман.

Ҳамидулла РАСУЛОВ,
пенсионер.

Таҳририят шикоятни ОКТЯБРЬ НОҲИЯ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИГА юбориб, қуйидаги жавобни олди:

— Улуғ Ватан уруши ништирокчиси Ҳамидулла Расулов 1989 йилдан бошлаб 1-группа ногиронликка ўтказилган. 1990 йил 1 октябрдан бошлаб ҳарбий хизматчиларнинг нафақа таъминоти тўғрисидаги қонунга мувофиқ бу кишининг пенсияси, ойига 310 сўмга етказилган.

Узбекистон ССЖ Президентининг Фармонига асосан 1990 йил 1 июлдан бошлаб коммунал хизмат учун ҳақ тўлаш 50 фоизга қисқартирилган. Ижара ҳақидан эса умуман озод этилганлар.

* * *

Бизнинг колхозда теримчиларга бир килограмм пахта учун 25 тийин ўрнига 9 тийиндан тўланди. Биз бу ҳақда хўжалик раиси Йўлдошали Сапарбоевга айтдик, аммо у арзимизга эътибор бермади.

Жамила СОБИРОВА,
жами 21 нмзо.

Ушбу хатга ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ АГРОСАНОАТ УЮШМАСИдан шундай жавоб келди:

— Шикоят жамоа хўжалиги правлениеси аъзолари ништирокида текширилди. Аниқланишича, хатга имзо чеккан 12-бригаданинг 21 аъзосига 1990 йил сентябрь ойининг дастлабки ўн кунида қўлда терган ҳар бир килограмм пахтаси учун 25 тийиндан ҳақ тўланган. Мавсумнинг қолган даврида ҳар бир килограмм қўлда терилган пахтага 9 тийин берилган.

Шикоятда номлари келтирилган колхозчиларга мавсумда терган ҳар бир килограмм пахтаси учун қўшимча 16 тийиндан пул тўланди.

«ЭСКИ КАСАЛ»

Рўзномамизнинг ўтган йил 14 ноябрь сонида шу сарлавҳа остида танқидий мақола чоп этилганди. Унда Янгиқўрғон ноҳиясидаги Ленинобод матлубот жамиятига қарашли 1-хўжалик молпар дўкони мудири ноёб молларни яшириб сотаётганлиги очиб ташланган эди. Яқинда мақола юзасидан ноҳия ички ишлар бўлимидан расмий жавоб олинди. Қуйида ана шу жавобни эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Мақолада қайд этилган хўжалик моллари дўконида ноҳия ички ишлар бўлимининг БХСС ходимлари томонидан текшириш ўтказилди. Текширишда мақолада келтирилган фактлар содир этилганлиги аниқланди.

Қишлоқ Кенгаши томонидан ўрнатилган тартибга кўра, аҳолига ноёб молларни тақсимлаш талон асосида йўлга қўйилган. Бу молларнинг асосий қисми, яъни 75 фоизи Ленинобод қишлоқ Кенгаши тақсимотича, асосан аҳолига сотилган.

Аммо 1990 йилнинг 11 ойи давомида дўкон мудири Зоҳиджон Набиев Ленинобод қишлоқ Кенгашининг рухсатисиз дўконга келтирилган ноёб молларнинг 25 фоизини ўзи сотиб юборган. Бу ҳол аҳоли ўртасида норозиликнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган.

Шундан келиб чиққан ҳолда дўкон мудирига чора кўриш лозим, деб топилди. Шу мақсадда тўпланган ҳужжатлар Янгиқўрғон ноҳия ижроия қўмитаси қошидаги маъмурий комиссияга юборилди.

• Маданият арбоблари билан мулоқот

● Алишер Навоий ҳақида янги бадиий фильм яратилади.

● «Тошкент — нон шаҳри» картинасининг «саргузаштлари».

● Киномарказ қачон ташкил этилади?

● Дўстона ижодий рақобат — яхши асарлар гарови.



«Маҳаллада дув-дув гап», «Сен етим эмассан», «Тошкент—нон шаҳри», «Абу Райҳон Беруний», «Оловли йўллар»... Бу бадиий фильмларни халқимиз, санъат мухлислари ҳеч қандай изоҳсиз яхши билишади. Чунки, улар миллий кинематографиямизнинг сара намуналари, маданиятимиз ривожланишига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилган экран асарлари ҳисобланади. Ана шу киноленталарнинг ижодкори—режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Совет Иттифоқи халқ артисти профессор Шуҳрат Аббосов айни кунларда ўзининг 60 йиллигини нишонламоқда.

Биз яқинда таниқли кинорежиссёр ҳузурида бўлиб суҳбатлашдик.

Шуҳрат АББОСОВ:

КИНОСТУДИЯЛАР КЎПЛИГИ ЯХШИ

— Шуҳрат ака, одатдаги қоидамиздан бироз чекиниб, ҳозир қандай ижодий ўйлар билан бандсиз, қандай асар устида ишлаяпсиз, деган саволни аввал бермоқчиман.

— Биласиз, Тошкентимизда тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жумҳурият жамияти бор. Ана шу ташкилотнинг жонкуяр раҳбари Нуриддин Акрамович Муҳиддиновнинг ташаббуси билан жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Буюк ипак йўли ҳақида ҳикоя қиладиган ўн беш серияли ҳужжатли киноэпопея ана шундай ишлар сирасига киради.

Нуриддин ака бир куни Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов иккаламизни ҳузурига чақириб, Алишер Навоий тўғрисида яна бир бадиий фильм экранлаштиришга қарор қилинганини, агар йўқ демасак, бу ишни бизларга топширишларини айтди. Бу кутилмаган таклиф эди, албатта. Эркинжон билан фикрлашиб, ўйлашиб рози бўлдик. Аммо иккаламиз ҳам Комил Ёрматовдай улуғ санъаткорнинг машҳур фильмидан кейин қандай бўларкин, деган ҳаяжонда эдик. Буни пайқаган Нуриддин ака ўшанда шундай деди: Биринчидан, ҳазрати Навоий ҳақида иккита картина ҳали оз. Келгусида ўнлаб картиналар яратилади. Иккинчидан, янги асар бутунлай бошқа, яъни Шуҳрат Аббосовники бўлади...

Сценарий ёзилиб бўляпти. Бир ҳафта ичида қўлимга тегиб қолса керак. Ўзим фильм режиссурасини хомаки нусҳасини тайёрлаб қўйдим. Асарни улуғ шоирнинг 550 йиллик улкан юбилейига тайёрлай олмасак-да, қолган «йиллик»ларига албатта улгурамиз. Негаки, ҳар йили 9 февраль ул улуғ зотнинг тўйи-да!

Москвадаги Бутуниттифоқ «Меҳр-шафқат» жамиятининг «Камафильм» киностудияси ёшлар тўғрисида фильмга буюртма берган эди. Ўн ой ичида экранлаштириб топширишимиз керак бўлган мазкур асар устида ёзувчи Исфандиёр билан иш олиб боряпмиз.

— «Тошкент — нон шаҳри» фильмингиз экранга чиққанига кўп кеча роппа роса 25 йил бўлибди. Табриклаймиз.

— Раҳмату, лекин худди шу картина туфайли юрак оғриғига учраганман-да.

— Бу қанақаси! Ахир, «Тошкент — нон шаҳри» сизнинг довруғингизни оширган, кинофестивалларда сизга мукофот ва совринлар келтирган фильм-ку!!

— Томдан тараша тушгандай гапириб қўйганим учун узр. Биласизми, таниқли рус ёзувчиси А. Неверов қиссаси асосида экранлаштирилган бу кинолентанинг аччиқ саргузаштлари бор.

Фильм суратга олиниб, тайёр бўлгач, уни ўша вақтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби бўлиб ишлаётган Р. Нишонов келиб кўрди. Йигирма биринчи йилдаги очарчилиқ, қийинчиликлар ҳақида ҳикоя қилган, рус миллий характерини очиб берган картина унга ёқмади. Учдан икки қисмини қисқартириш керак, деди. Ишонасизми, Р. Нишонов фильмни ўзи истаганидай «текислаш», иложи бўлса йўқотиш учун етти марта кўрган. Москвадан одамлар чақириб кўрсатган. Уларнинг адолатлилари, соғлом фикрлилари асарни чинакам реализм намунаси деб эътироф этганида ҳам ўз сўзидан қайтмаган, картинанинг ярмини кестириб ташлатган.

«Тошкент — нон шаҳри»дан кейин уч йил ишлай олмадим. Юрагим чатоқ бўлиб қолиб, каасалхонама-касалхона юрдим.

— Болалар ва ўсмирлар фильмлари жумҳурият маркази ташкил этмоқчи эдингиз. Шу иш нима бўляпти!

— Москвада, ҳатто қўшни Қирғизистонда аллақачон бундай марказлар ишлаб турибди. Биз ҳам шундай марказни орзу қилиб жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримовга хат билан мурожаат қилган эдик. У киши мақсадимизни тўғри тушуниб, дарров илтимосимизни кўриб чиқиб, ёрдам бериш тўғрисида тегишли ташкилот ва мутасаддиларга кўрсатма берди. Режалаштириш қўмитаси, Молия, Маданият вазирликлари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ҳайрихоҳлик билдирдилар. Аммо икки йил бўляптики, бизга пул ажратадиган, бино топиб берадиган мард топилмаяпти.

Ахир, марказнинг аҳамиятини тушуниш шунчалик қийинми? Агар биз мақсадга эришсак, болалар ва ўсмирлар учун ўзбек тилида фильмлар яратиш имкониятига эга бўлардик. Тошкентдай шаҳри азимда «Ғунча»ни ҳисобга олмаганда болалар кинотеатрлари деярли йўқ.

Инсон болаликдан бошланади, деб тарбия ҳақида қайғурган кўринамизу, бу ишда муҳим аҳамият касб этадиган кинонинг қадрига етмаймиз. Аниқроғи, унинг имкониятларидан фойдаланиш тўғрисида ўйламаймиз. Телевиденининг руҳиятимизга ёт кинолари ва кўрсатувлари, ҳар хил видеолар эса, болалар ва ўсмирларни чалғитаверади, йўлдан ураверади...

ССЖИ ҳукумати болалар ва ўсмирлар фильмлари Бутуниттифоқ марказини ташкил этиш тўғрисида махсус қарор қабул қилган. Ҳеч бўлмаганда ана шу хайрли ҳужжат даъватларига амал қилайлик.

— Жумҳуриятимизда ҳозир қарийб ўттизта киностудия бор. Хўжалик ҳисобида ишлашга аҳд қилган бу мустақил киностудияларнинг келажагига қандай қарайсиз!

— Шу вақтгача Ўзбекистонда битта бадиий киностудия мавжуд эди. Кинорежиссёрлар фильм экранлаштириш учун йиллаб навбатда туришарди. Жуда кўп кинематографчилар иш тополмай юришарди. Шу боисдан шуҳраланиб турган талантлар юзага чиқмай кетган ҳоллар ҳам кўп бўлган. Илож қанча эди? Белгиланган, саноқли, планли сценарий, режиссёрлар, актёрлар состави. Ўзгартириб бўлмасди.

Давр, қайта қуриш шарофати туфайли бундай «темир қолип»дан ёриб чиқилди.

Менимча, киностудияларнинг кўплиги яхши. Биринчидан, кино соҳасида аллақачон фаолият кўрсатиб келаётганлар ўртасида ўзаро дўстона рақобат пайдо бўлади. Бу эса яхши самаралар бериши аниқ. Иккинчидан, янги талантларни кашф қилиш имкониятлари кенгаяди, кинематографияга тасодифан кириб қолганларни (ўзлари!) ўз вақтида аниқлаш мумкин бўлади. Учинчидан, бутунлай бошқа соҳа одамлари орасидан кинога келиш йўли ҳам очилади. Бу фактни совет кинематографиясида кўплаб учратишимиз мумкин. Масалан, Довженко, Пудовкин, Эйзенштейн каби кино алломалари экран санъати оламига ҳеч қандай профессионал билимсиз, ҳаваскор, бошқа соҳанинг вакиллари сифатида кириб келишган. Улар яратиб қолдирган асарлар бугунги кунда ҳам инсоният томонидан катта қизиқиш билан томоша қилинади. Зора, имкониятлар сабаб бўлиб киномизнинг бугунги ва келажак авлодлари орасидан ана шундай устод кинематографчиларнинг муносиб шогирдлари етишиб чиқса!

Ҳозир бизда киностудияларнинг сочилиб кетгани яхши оқибатларга олиб келмайди, уларни иссиғда бирлаштириш керак, деган фикрлар ҳам юрибди. Шахсан мен бу мулоҳазаларга мутлақо қаршиман. Янгиликни тан олишга, ундан умидвор бўлишга, уни олқишлашга ҳам ўрганайлик.

Имкониятдан фойдаланиб, «Известия» рўзномасида яқинда босилган «Хўжайин»ни қўмсаш» мақоласидаги бир асоссиз туҳматга ўз муносабатимни билдириб кетай. Гап шундаки, мақола муаллифлари «Ўзбекфильм» киностудияси сценарийларни фақат рус тилида қабул қиларди» деб ёзишибди. Бу—бўхтон ичидаги бўхтон! Ҳеч қачон бундай «фақат», яъни шарт бўлган эмас!

— Кинорежиссёрлик билан педагогликни қўшиб олиб борасиз. Маннон Уйғур номидаги Санъат институтида, ўзингиз раҳбарлик қилаётган кафедрада қандай янгиликлар бор!

— Янгилик шуки, бу йил биринчи марта институтда кинорежиссёрлар тайёрлайдиган махсус курс очилди. Ҳозир унда саккиз бўлажак кинематографчи таълим олмоқда. Ҳаммаси изланувчан, саводли, кинога ўзини бахш этган ёшлар.

Энг муҳими, миллий кинематографиямиз жараёнида айни кунларда фаол изланишлар олиб бориляпти. Ҳамкасбларимни, дўстларимни, шогирдларимни мана шундай фаоллик тарк этмасин.

Юсуф БЕРДИЕВ суҳбатлашди.

А. Ёқубов. Ф. Қурбонбоев. Н. Утарбеков. С. Маҳкамов.

«ФОТОКОНКУРС-90» ҒОЛИБЛАРИ

Ўтган йил мартида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» рўзномаларининг таҳрир ҳайъатлари билан ҳамкорликда «ФОТОКОНКУРС—90» ўтказишни эълон қилган эди. Танлов 1990 йил 1 декабргача давом этди. Ўтган ўн ой мобайнида республика рўзномалари саҳифаларида қирқ нафар муаллифнинг энг яхши 85 та сурати эълон қилинди.

Танлов ҳайъати бу ижодий мусобақа якунларини чиқарди. Унга кўра, конкурснинг бош соврини (300 сўм) **Александр ЁҚУБОВга** «Бозор сари йўл» фотоси учун берилди.

Биринчи мукофот (200 сўм) ни **Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ** «Медалнинг орқа томони» туркум суратлари учун олди.

Иккинчи мукофотларни (ҳар бири 150 сўмдан) «Кутиб қолди» сурати учун **Наби ЎТАРБЕКОВ** ва «Аския» сурати учун **Содиқ МАҲКАМОВ** олди.

Учинчи мукофотларга (ҳар бири 100 сўмдан) «Биринчи синф ўқувчиси расмий тадбирда» сурати учун **Леонид ГУСЕЙНОВ** билан «Қўнгилсиз суҳбат» сурати учун **Борис ЮСУПОВ** сазовор бўлди.

Тўртинчи махсус мукофотлар (ҳар бири 50 сўмдан) **Геннадий ГРАФКИНГА** «Бухоро узра лайлаклар учмоқда», **Фарҳод ҚУРБОНБОЕВга** «Кураш», **Сергей ВЕЛИЧКИНга** «Гул» ва «Марсда ҳаёт борми?» суратлари учун берилди.

Биз конкурс якунларини эълон қилар эканмиз, барча фотомухбирлар ва ҳаваскорларга шу нарсани маълум қиламизки, «Фотоконкурс-90» ташкилотчилари яқин кунлар ичида ЯНГИ ТАНЛОВНИ ўтказишнинг шартларини эълон этишга қарор бердилар.

Рўзномамизни кузатиб боринг!

Л. Гусейнов. Б. Юсупов. Г. Графкин. С. Величкин.

• Спорт •

ДАСТЛАБКИ ДАВРА ЎЙИНЛАРИ

«Пахтакор» футбол чилари олий лига командалари мамлакат чемпионатининг биринчи давраси ўйинларини қачон бошлаши мухлисларни қизиқтирмоқда. Қуйида пахтакорчиларнинг дастлабки даврадаги ўйинларини маълум қиламиз.

● ЎЗ МАЙДОНИДА: 10 март — «Черноморец» 15 март — «Днепр», 5 апрель — «Торпедо» (М), 9 апрель — «Локомотив», 6 майда — «Помир», 13 майда — «Динамо» (К), 18 май — «Спартак» (Вл), 19 июнь — «Металлург» (З) командалари билан ўйинлар бўлади.

● САФАР УЧРАШУВЛАРИ: 26 март — «Шахтёр», 31 март — «Спартак» (М), 24 апрель — «Металлист», 27 апрель — «Динамо» (Мн), 2 май — «Динамо» (М), 1 июнь — ЦСКА, 5 июнь — «Арарат» майдонида ўтказилади. «Пахтакор»чилар биринчи давра мобайнида жами 15 та учрашувда қатнашадилар.

СПОРТПРОГНОЗ

● Биринчи тираж ўйинларининг якунлари чиқарилди. Ўзбекистон республика «Спортлото» корхонасига 58742 вариант тушди. Шундан 13 ва 12 та натижани топганлар йўқ. 11 натижани 27 киши топди ва улар 141 сўмдан оладиган бўлишди.

Ютуқларни шу йилнинг 26 январидан 26 февралигача олиш мумкин.

ЖАМҒАРМАЛАР САЛМОҒИ ОРТДИ

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистондаги энг катта Ўзбекистон давлат тасвирий санъат музейида ўтган йили шу музей фондини тўлдирган ранг-тасвир ва графика асарлари кўргазмаси очилди.

Кўргазмада таниқли мўйқалам усталарининг, шунингдек Ўзбекистоннинг турли минтақаларидаги ёш муаллифларнинг асарлари намойиш этилган. Етмишдан зиёд асар, графика ва акварел асарлари Ўзбекистон тасвирий санъати ривожланишидаги ҳозирги тамойиллар тўғрисида тасаввур беради.

Асарлар мавзуси хилма-хил. Улар орасида она юрт табиати тасвирланган суратлар, тарихий мавзудаги жанр асарлари, портретлар ва натюрмортлар, спектакллар ва кинофильмларга чизилган расмлар бор. Кўпгина асарлар ўткир ижтимоий йўналишга эга, уларда ҳозирги куннинг мураккаб муаммолари тўғрисида ҳикоя қилинади. Кўргазманинг алоҳида бир бўлими эса Орол денгизидаги экология ҳалокати мавзусига бағишланган.

Музей ходимларининг фикрича, агар музей ихтиёрида санъат асарларини сотиб олиш учун етарлича маблағ бўлганида, кўргазма анча катта тароқ қилиб уюштирилиши мумкин эди.

(ЎзТАГ).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ВАЗИРЛИКЛАР, МАҲКАМАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИ

ЖОРИЙ ЙИЛ ДАВОМИДА ШАРТНОМА АСОСИДА КАТТА ТИРАЖЛАРДА ЎЗ ҚОҒОЗИДАН:

идоравий дафтарлар, ҳисобга олиш дафтарлари, ён дафтарчалар, манзил папкалари, блокнотлар, дафтар ҳолида тикилган босма иш қоғозлари, ёзма қайдлар учун қоғозлар ва бошқа қоғоз молларни

ТАЙЁРЛАБ БЕРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА

БУЮРТМАЛАР 1991 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-90-50, 32-56-61.

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги
М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

18, 19 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА
Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланади

«НАВО ВА ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

М. ТУРҒУНБОЕВА НОМИДАГИ «БАҲОР» ДАВЛАТ ЎЗБЕК ХАЛҚ РАҚСИ АНСАМБЛИ

БАДИИЙ РАҲБАРИ — Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Маъмура ЭРГАШЕВА.

Ўзбекистон ССЖ Телевидение ва радио эшиттириш давлат қўмитасининг

МАҚОМЧИЛАР АНСАМБЛИ

БАДИИЙ РАҲБАРИ — Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Абдуҳошим ИСМОИЛОВ.

«ШОДЛИК» ДАВЛАТ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ

БАДИИЙ РАҲБАРИ — Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Дилафруз ЖАББОРОВА.

«ЗАРАФШОН» ДАВЛАТ ФОЛЬКЛОР АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ

БАДИИЙ РАҲБАРИ — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист Шавкат МУҲАМЕДОВ.

Ўзбекистон халқ шоири
Абдулла ОРИПОВ.
Шоир Муҳаммад ЮСУФ.

Ўзбекистон халқ ҳофизи
Фаттоҳхон МАМАДАЛИЕВ.

Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист Турғун АЛИМАТОВ.

Ўзбекистон ССЖ халқ артистлари:
ҚАМОЛИДДИН РАҲИМОВ,
Ғуломжон ЁҚУБОВ,
Ёқуб АҲМЕДОВ.

Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артистлар:
ФАХРИДДИН УМАРОВ,
Муножот ЙЎЛЧИЕВА,
Феруза СОЛИҲОВА,
Нуриддин ҲАЙДАРОВ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Режиссёр — Абдурашид РАҲИМОВ.
Балетмейстер — Вилоят ОҚИЛОВА.
Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилмоқда.

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги жамоаси Ўзбекистон ССЖ халқ артисти, Навоий номидаги Ўзбек давлат академик опера ва балет катта театрининг собиқ яккахон ижрочиси, жумҳурият миқёсидаги шахсий пенсионер

Эргаш ЙЎЛДОШЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Тошкент санъат олий билимгоҳи жамоаси Ўзбекистон ССЖ халқ артисти, яккахонлик ва анъанавий қўшиқ кафедраси доценти

Эргаш ЙЎЛДОШЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент педиатрия-тиббиёт олий билимгоҳининг тибиий биология ва генетика кафедраси жамоаси кафедра ўқитувчиси К. Ф. Норматовга отаси

Фахриддин НОРМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси Биохимия олий илмгоҳи жамоаси илмгоҳнинг собиқ илмий ходими К. Ф. Норматовга отаси

Фахриддин НОРМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат маданият олий билимгоҳи маъмурияти, маданий-маърифий ишлари кафедраси жамоаси шу кафедранинг катта ўқитувчиси Ф. Ёқубовага онаси

Насиба РАШИДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳайъати колхоз ишлаб чиқаришининг жонкуярларидан бири, таниқли деҳқон, Тошкент вилояти Оржоникидзе ноҳиясидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Анвар ЭГАМНАЗАРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўрта Осиё Усимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот илмгоҳи ҳамда ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва уларнинг таянч пункти, экспериментал хўжалик жамоалари ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси ВАСХНИЛ академиги А. И. Имомалиевга онаси

Саврнисо ИСМОИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Акс-садо

БАҲОНА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Дўстмурод Абдураҳмоновнинг «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг 1990 йил 28 август сонида эълон қилинган «Луғат қачон чиқади?» сарлавҳали мақоласи муносабати билан филология фанлари доктори Р. Донийёровнинг «Қачонгача кутамиз?» мақоласи босилди (1990 йил 25 ноябрь). Унда Д. Абдураҳмонов томонидан Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти Луғат бўлимидаги илмий ишларнинг ачинарли аҳволи ва ўн томли изоҳли луғатнинг тақдири ҳақида билдирган танқидий фикрлар асосан тўлиқ эътироф этилади.

Р. Донийёров ёзади: «Тўғри, мақолада (Д. Абдураҳмонов мақоласида — А. М.) асосан: «Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузувчилар учун инструкция» танқид остига олинади, ундаги камчиликлар рўй-рост очиб ташланади. Инструкция камчиликлардан холи деб айта олмаймиз. (Ўйлаймизки, изоҳли луғатни тузувчилар келажакда қардош халқлар тилларидаги изоҳли луғатлар тажрибасидан ҳам фойдаланадилар)». Бу гап луғат бўлими ходимларини ҳимоя қилиш ниятида юмшоқлик билан айтилган. Чунки, Д. Абдураҳмонов 1990 йилда нашр этилган мазкур инструкцияни 1964 йилда яратилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни тузувчилар учун қўлланмадан бобма-боб кўчирилган деб баралла ёзиб, такрор-такрор айтиб юрибди. Ахир, Р. Донийёров мутахассис сифатида «Инструкция» билан «Қўлланма»ни солиштириб кўрса, Д. Абдураҳмоновнинг ҳақлигига тўла ишонар ва кейин гувоҳ ҳам бўлар эди-ку! Эҳтимол, у шундай қилгандир, лекин ўз мақоласида бу ҳақда аниқ ёзиши керак эди-да?

Кўчирмакашлик билан бунёд этилган «Инструкция»нинг асосий «муаллифи луғат бўлимининг мудири Тешабой Алиқулов бўлиб, унинг масъул муҳаррирлари эса институт раҳбари Азим Ҳожиев билан Т. Алиқуловнинг ўзлари-ку! Бу «Инструкция» бўлим ходимларининг неча йиллик илмий ишлари ва уни кўчириб ёзиш учун давлатнинг қанча пули маош, мукофот сифатида ўзлаштирилди.

Р. Донийёровнинг ёзишича, «1981 йилда Москвада чоп этилган икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ўттиз йил давомида ва ниҳоят кўп муаллифлар томонидан тузилган ва унинг «икир-чикир» ишлари»га яна бир қанча ходимлар жалб этилган бўлиб, ҳозир луғат бўлимида бундай имконият йўқ, яъни бўлимда бу иш билан «атиги уч киши шуғулланмоқда», «лаборантларнинг сони эса атиги олтита» эмиш. Хўш, бунга ким айбдор? Энг аввало, институт билан луғат бўлимининг раҳбарлари, албатта!

Изоҳли луғат тузиш учун «фан кандидати» ва «фан доктори» унвонларининг бўлиши шарт эмас. Олий ўқув юртини яхши баҳоларга тугатган ёшларни ишга қабул қилиб, тўрт йил ичида улардан луғат туза оладиган илмий ходим гуруҳини тайёрлаш бемалол мумкин-ку! С. Акобиров, Т. Хўжахонов, А. Алҳамова каби кўплаб йирик луғатлар тузган луғатшунослар фан номзодлари эмас эдилар. С. Акобиров эса анча кейин ҳимоя қилди. Бошқа жойларда ҳам, масалан, хатто Болтиқбўйи жумҳуриятларида ҳам аҳвол шундай. Ундан кейин илгари луғат бўлимида ишлайдиган кўп илмий ходимлар қаёққа кетдилар ва нега кетиб қолдилар? Уларнинг бир қисми шу даргоҳда негадир фақат бошқа бўлимларда ишлаяптилар.

Луғат бўлимига бошқа бўлимлардан баъзи талантли илмий ходимларни шартнома бўйича қўшимча ҳақ тўлаш асосида, уларнинг режали ишларини сал камайтириб бериш йўли билан ва яна бошқа имкониятлардан фойдаланиш асосида (масалан, рўзнома ва жаридалардан сўз йиғишни бошқа бўлимларга бўлиб бериш каби) ҳам луғат бўлимининг ишини жадал ривожлантириб юбориш мумкин эди.

Тўғри, ҳозир институтнинг тилшунослик бўлимларининг аҳволи ниҳоят даражада оғир. Кўплаб яхши илмий ходимлар, ҳақиқатгўй ва ҳалол ходимлар раҳбариятга ёқмай қолди. Илмий ишларда кўчирмакашлик, енгил-елпилик, кўзбўямачилик кўпайиб кетди. Буларнинг ҳаммаси тилшунослик бўлимларининг истиқболини сўндирди. Гарчи ҳозир институт иккита мустақил институтга зўрма-зўраки ҳолда бўлинган бўлса-да, тилшунослик бўлимларидан бир институт чиқмайди ва шу ҳолича, шу кучлари билан муҳим илмий муаммоларни бажаришга қодир эмас. Бунинг учун жумҳуриятимиздаги етакчи ва билимдон тилшуносларнинг тажрибасидан унумли фойдаланилсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

А. МАҲМУДОВ,
ЎзССР ФА «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисоблаш маркази «Кибернетика» институти етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ҲОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 4720.

№ 10. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12